# Хамиджон Тохиржонов

«Умр нима,эй одам,
Умр учиб кетган куш»
Мухаммад Юсуф

# У М Р

(шеърлар, хажвиялар, битиклар, хикоялар)

Тошкент 2006 йил

# М у н д а р и ж а

**У М Р** ..... **1**

УМР ..... 4
Илм изланг! ..... 6
Узгача… ..... 7
Яхши ният ..... 7
Карилик хакида ..... 8
Отамни ёд этиб ..... 9
Хуш келдингиз! ..... 10
Бизни кечир ..... 11
Омонатдур ..... 12
ЖОНИНГ ОМОНАТДУР ..... 12
Инсонлар куп… ..... 13
Хушёр бул! ..... 14
Эй фарзанд ..... 15
Азиз фарзанд ..... 15
Имон бокийдир ..... 16
Ширкдан асрасин ..... 17
Доим «Бисмиллох» билан ..... 18
Н а ф с ..... 20
Ислом кургонлари ..... 21
Инсоний турт сифат ..... 22
Онамни курсам дейман ..... 22
Отам эккан дарахт… ..... 23
Юрак билан сухбат ..... 24
Аллохнинг ситфатлари хакида ..... 25
Билингки,карилик кета бошлабди… ..... 26
Аёлар илмли булмоги фарздир ! ..... 27
Узбек келини ..... 29
Хомилада не гунох ..... 30
Фарзанд-неъмат ..... 31
Мухаммад Юсуфга ( Оллох рахмат этсин) ..... 31
« Босмачилар» ..... 32
Посбонларга рахмат! ..... 33
Абдулахат -табибга ..... 34
Ростгуйлик хакида ..... 34
Пахтакорларга ..... 34
Янглишган дустимга ..... 35
Нега тиламчисан менга айт! ..... 35
Тилга кирган хомила ..... 36
Шох Жамшид хакида ривоят ..... 37
А Р А К ..... 38
Кахрамоннинг онаси ..... 38
Чемпионлик муборак булсин! ..... 39
Инсоф берсин ..... 41
Сабр-токат лозим инсонга ..... 42
Хидоят сурайман ..... 43
Ганимат бил ..... 43
Турт тоифа инсон ..... 43
Онамни эслатар сузларинг ..... 44
Суранг ..... 45
Муножот ..... 45
Тамагир булма! ..... 46
Тонг отару-кун ботар ..... 46
ЛАЙЛАК ..... 47
О ,сердце! ..... 49
Шох Жамшид хакида ривоят ..... 50
Кизим Нигорахонга ..... 51
Кули кайтмасин ..... 52
Асалари хакида ..... 53
Хушуъ ..... 54

Жаннат насиб этсин десанг ........ 55

**ХИКОЯЛАР, ХАЖВИЯЛАР, РИВОЯТЛАР, ТАБРИКЛАР: ........ 57**

«Имон» дориси ........ 57
Мусичага хавас ........ 57
ЯНА МЕХМОН, ........ 58
Туйга келасиз ........ 58
Мехр колур, яхшилик колур ........ 59
Хожионамизни эслаб ........ 61

**Т А Б Р И К Л А Р ........ 62**

Дустимиз Увайсхонтурага табригимиз ........ 62
Ажойиб улфатлар ........ 64
Театр кассасида ........ 64
Кизилиштон ........ 64
Дам олиш уйи регистратурасида ........ 65
Келажакка ишонч ........ 66
Мехр колур,яхшилик колур ........ 67
Телефон-шпаргалка ........ 69
Ажойиб улфатлар ........ **Ошибка! Закладка не определена.**
«Аёл калби» дориси ........ 69
Дустимиз Увайсхонтурага табригимиз ........ 70
Тогажонимга табрик! ........ 72
Абдуллохга табрик ! ........ 73

**Б И Т И К Л А Р ........ 74**

**УМР**

Умрлар сув каби утиб кетаркан,
Санаб адо этмас унинг турларин.
Турли хил инсонлар ,турли хил хаёт,
Хар ким килмиши чун ажрин оларкан.

Умрлар буларкан бир чакмок мисол
Ялт этиб ёнару -шу он сунаркан,
Умрлар буларкан шам каби мисол
Атрофга нур бериб узи сунаркан.

Умрлар буларкан бир зулук мисол
Танга ёпишаркан-конни сураркан,
Умрлар буларкан бир илон мисол
Зумдан чакаркану—захрин сочаркан.

Умрлар буларкан харсанг тош мисол
Ётаркан бефойда, бесамар экан,
Умрлар буларкан тулин ой мисол
Яркираб, совук нур сочиб тураркан.

Умрлар буларкан кум-кук осмондек
Багри кенг, дили соф чексиз химматли
Аллохдан сурангиз-сурангиз хар вакт
Багрингиз булсин деб осмондек хар вакт.

Умрлар буларкан бир куёш мисол
Сахийлик билан у нурин сочаркан,
Умрлар буларкан туякуш мисол
Узгалар тухумин босиб ётаркан,
Кариндош-уругга мурувват килмай,
Ишрат учун давлати зое кетаркан.

Умрлар буларкан у какку мисол
Узгалар инига тухум куяркан
Тухумин очмас-у, ташлабкетаркан,
«Онаман» деб, дунёдан утиб кетаркан.

Умрлар буларкан каргадек мисол
Бесамар узок йил умр кураркан.
Одамлар устидан айб кидириб,
Каргадек мисоли ахлат титаркан.

Умрлар буларкан бургут мисоли
Баланд чуккилар булур маскани
Бургутдай баланд уч, огох бул лекин,
Юксакдан шунгима бургутдай мисол.

Умрлар буларкан сичкондай мисол
Турли тиркишларга бошин сукаркан.
Аста кемираркан инсон борлигин,
Аллох асрасин сизни шундай сичкондан.

Умрлар буларкан айик мисоли
Хаётин уйкуда утказар экан.
Аллох берган буюк неъматни билмай
Дунёдан уйгонмай мудраб утаркан.

Умрлар буларкан арилар мисол
Тинмай мехнат килиб асал йигаркан.
Эхтиётлаб уларни парвариш килсанг
Йигган асалидан эхсон этаркан.

Умрлар буларкан тулки мисоли
Хаётин мазмуни хийла буларкан.
«Дустим» деркан сени ёнида юрсанг
Ортингдан-чи ёмонлаб, бухтон этаркан.

Умрлар буларкан чумоли мисол
Эрта-кеч тинмайин мехнат киларкан.
Ибодатин туну-кун канда килмасдан
«Мумин» булиб дунёдан утиб кетаркан.
Аллохдан сурайман-сурайман хар вакт
Умр мумин холатда утсин деб хар вакт.

Умрлар буларкан бойугли мисол
Ярим тун ухламай улжа кутаркан.
Тунлари урмоннинг тинчлигин бузиб,
Ёруг кунни уйкуда утказар экан.

Умрлар буларкан балик мисоли
Индамай утаркан - умри тугаркан
Камситиш, хакорат зулм булса хам
Нохаклик олдида сокин тураркан.

Умрлар буларкан куйлар мисоли
Подалар тудаси булса бас экан.
Таканинг кетидан эргашиб улар
Кушхонага кирганин билмай коларкан.

Умрлар шу каби утиб кетаркан
Санаб адо булмас унинг турлари
Турли хил инсонлар,турли хил хайёт
Хар ким килмиши чун ажрин оларкан.

Бу дунёда килган яхши амаллар
У дунё саодатин шаксиз бераркан.
Амалларни тулик килганлар учун
Хак таолонинг буюк ваъдалари бор
Аллохни Расули Набий Мухаммад «САВ»
Ёнидан жаннатда жой берар экан!!

12.05.2004 йил

**Илм изланг!**

Буюк Турон улкасидур унга макон,
Таъзим килган кудратига бутун Жахон,
Илми билан Давлат тузган Сохибкирон
Амир Темур авлодлари илм изланг!

Олим булиб ,расадхона барпо этган,
Осмондаги юлдузларни холин битган,
Коинотнинг сирларини барин билган
Улугбекнинг авлодлари илм изланг!

Тиббиёт илмининг устуни булган,
Халк табобат илми асосин берган,
Хакимлар султони, сардори булган
Ибн Сино авлодлари, илм изланг!

Куръон укиб иймонини кувватлаган,
Дунё кезиб, хадис илмин эгаллаган,
Минглаб сахих хадисларни жамлай билган
Ал-Бухорий авлодлари илм изланг!

«Мусулмонга илм изламок фарз» деб билган,
Илм олмоклик истагида дунё кезган,
Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Фаргонийлар,
Ат-Термизий авлодлари илм изланг!

Туронимни олам узра донг таратган,
Туркий тилда илк шеърларин у яратган,
Хикматлари эл ичинда нур таратган
Яссавийнинг авлодлари илм изланг!

Хам вазиру шеърият сардори булган,
Халк дардини куйлаган,маърифат ёйган,
Кунгил мулки Султони Мир Алишер
Навоийнинг авлодлари илм изланг!

Хиндистонда яхлит давлат барпо этган,
Уз юртини мажбур булиб ташлаб кетган,
Узбегимнинг шоирию алломаси
Бобуршохнинг авлодлари илм изланг!

Илм хазинадур, туганмас кондур,
Буюк хикматларга тенгсиз макондур,
Акл озугига бахру уммондур
Пайгамбарнинг (С.А.В.) умматлари илм изланг!

Икки дунё саодати илм ила,
Икки дунё рохати хам илм ила,
Жахолатдан чикиб энди иймон ила
Истиклолнинг фарзандлари илм изланг!

Куръонимиз суралари машъал булсин,

Мухаммаднинг (С.А.В.) хадислари масал булсин,
Хак йулида умматлари мактал булсин,
Муминларга манзил аник, илм изланг!

14.10.2005 йил

**Узгача…**

Кизи борнинг нози бордур узгача,
Кизи борнинг моли бордур узгача,
Кизи борнинг боги бордур узгача,
Кизи борнинг бахти бордур узгача.

Оллох берган угил булса узгача,
Угли борнинг тоги бордур узгача,
Угли борнинг сози бордур узгача,
Угли борнинг каноти бор узгача.

Фарзандсизлик азоб берар узгача,
Фарзандсизлик алам берар узгача,
Оллохимдан фарзанд сура булакча,
Фарзанд берур, Хак мехрибон узгача!

12.09.2005 йил

**Яхши ният**

Яхши килган ниятдандур бахту икбол,
Яхши килган тилакдандур тилларда бол,
Ният килдим доноларга дуст айласин,
Олимларнинг сухбатига жур айласин,
Ният килдим номард юзин курсатмасин,
Улфат айлаб алар ишин йулатмасин.

Бахтимиз хам яхши килган ниятдандур,
Ахдимиз хам яхши килган ниятдандур.
Ният килдим хар кундаги номозларда,
Куръон укиб, хар кундаги тиловатда,
Ният килдим кулни очиб, дуоларда,
Сураб тунлар Аллохдан ибодатларда.

Ният килдим шайтон нафсин тиймокликдан,
Хак асрасин нафснинг  кули булмокликдан,
Йулдан тойиб, шайтонга дуст юрмокликдан,
Ният килдим элимизга тинчлик тилаб,
Ният килдим фарзандларим бахтин тилаб,
Яхши килган ниятдандур алар бахти,
Яхши килган ниятдандур алар тахти.

Ният килдим атроф чулни бог килмокни,
Пахта экиб, хирмонларни тог килмокни,
Дала-даштга сув чикариб, сог килмокни,
Эл ичида ном чикариб, соз килмокни.

Ният килдим толеимиз кам булмасин,
Ният килдим тик бошимиз хам булмасин,
Кувнок кузлар бекорларга нам булмасин,
Яхши ният килгандандур бахту икбол,
Яхши ният килгандандур тилларда бол.

Ният килдим хар ким эркин даврон сурса,
Хар бир инсон  уз юртида шодон юрса,
Эрта бахор лайлаклар хам буток йигиб,
Симёгочнинг учларига инлар курса.

Ният килдим кушдай учиб дунё кезсам,
Ният килдим олисларга дарё кечсам,
Ватанимни согинсаму, кадрин сезсам,
Кайда булсам шу улкага мен талпинсам.

Ният килдим халким кунгли кенг хам булса,
Юрт боглари жаннатларга тенг хам  булса,
Бешиклари фарзандларга тулиб турса,
Боболари бахтларини куриб юрса,
Ният килдим шу юртимни Оллох узи
Минг офату балолардан асраб турса!

14.10.2005 йил

**Карилик хакида**

Юзга ажин тушди, сочларимга ок,
Ёшлик ортда колди-холимга бир бок:
Огзим тула тиш эди-тукилиб булди,
Белим тула куч эди-букилиб булди.
Оёкдан мадор кетиб, кувват колмайин,
Асо олдим кулимга-тирговуч булди.

Тенгдошларим куп эди-сафи камайди,
Улфатларим зур эди – нафи камайди.
Энди сунди тилаклар, орзу умидлар,
Тулкинланган сув каби кувончли дамлар,

Окиб утди ёмгирдек у ёшлик кунлар,
Ширин лахзаларга бой ойдинли тунлар,
Орзулар шохи синди-каддим букилди,
Эшик кокиб, билинди – бу сунгги кунлар.

Сусайиб сунмокда кунгил чирогим,
Сулмокда гулларим-чаманим богим,
Кулларимда титрок, кузларимда ёш,

Ётиб колдим чузилиб, кутаролмай бош.

Вужудда минг касал-холим йуколди,
Аклу-хушим гох кетиб, хаёл йуколди.
«Ёшлигим» урнига «Карилик» келди,
Бадан «касри» девори ларзага келди.

Ниятим фарзандлар рохатин курсам,
Невара-эваралар туйларин курсам,
Танамни бу жоним тарк этмагунча,
Оллохдан бахтин сураб, дуолар килсам.

Биламан, такдирим Оллох кулида,
Биламан, дард берган-давоси унда,
Энди Оллохдан мен шифо сурайман,
Сабр, токат, матонат, даво сурайман.

15.10.2005 йил.

**Отамни ёд этиб**

Купдан бери отамни тушда курмасдим,
Тушимда курсам хам – унга туймасдим.

Ногахон кузларим уйкуга кетиб,
Тушимда мен мархум отамни курдим.
Ховлимиз сахнида уфкка тикилиб,
Хомуш утирган холатни курдим.

Саломим канда килмай, олдига бордим,
Куришмоклик ила мен якинрок бордим,
Саломга алик йук, киё бокмайин,
. Паришон утирар, лом-лим демайин.

Бу холатнинг сабабин англамок учун,
Узр сураб, сабабин тингламок учун,
Айб менда нима - билмоклик учун
Отамдан бу холни секин сурадим.

Отам эса норози, кузда ёш билан
Сабабин бирма – бир сузлай кетдилар:
«Отам бор, деб хам уйламайсан сен,
Соглик – саломатлигим асло сурмайсан.
Нега энди мендан хабар олмайсан»-
Дея отам дардларин менга айтдилар,

Шунда кузларимда ёш, айбим сезилди,
Камчиликларим эса дарров сезилди.
Уялиб, каерга кочишни билмай,
Гунохларим кандай ювишни билмай,
Турли бахоналар, сабаблар излаб,
Отамдан узирим сурай бошладим.

Тусатдан уйкум учиб, кузимни очдим,
Кузларим жикка ёш-тушум экан у,
Хаётим тарзида нуксонлар сезиб,
Тушумнинг сабабин англай бошладим.

Кавм-кариндошалар, якинларимдан,
Отамнинг энг якин дустларидан хам,
Хабар олиб, зиёрат кила бошладим,
Ибодат-тиловатлар кила бошладим.

Шунда отам кайта тушумга кириб,
Табассум ила мени багрига босди,
Пешонамдан бир упиб ,кузда ёш билан
Кулин очиб, Оллохга илтижо килди.
Чексиз хурсандлигин менга билдириб,
Оилам хаккига дуолар килди.

Тусатдан уйкум учиб, кузимни очсам-
Кузларим жикка ёш-тушум экан у
Факат энди бу ёшлар кувонч ёшлари-
Отамнинг розилик ёшлари экан у.

23.08.2005 йил

**Хуш келдингиз!**

Раббимиз мехмонлари-эхром кийиб, хуш келдингиз!
Завк-шавк кузларда ёш, «Лаббайка» –деб хуш келдингиз.
Каъбатиллохни тавоф этмак истаб каерлардан
Хар нафасда Оллохимга хамдлар айтиб ,хуш келдингиз!

Кул очиб,тинмай йиглаб,кузларда катра ёш билан
Етти бора Каъбани Сиз айланурсиз «лаббайка» деб,
Хар каррада «Асвод» тошин упмак истаб ,хуш келдингиз
Онадин янги тугилгандек булиб Сиз, хуш келдингиз!

Яхши ниятлар килибсиз Оллох ризосини сураб,
Хуш курар хар кимни Оллох сурса ундан дил билан,
Умматига У мехрибон, билсангиз Сиз,хуш келдингиз,
Беадад шукроналар, айтиб салом Сиз,хуш келдингиз!

Канча мумин-мусулмонлар ета олмай утдилар,
Бир келиб шундай зиёрат хам килолмай утдилар,
Не умид-ла Каъбатиллохга бир келолмай утдилар,
Калби дарду-хасрат тула бу дунёдан утдилар.
Беадад шукроналар айтиб салом Сиз хуш келдингиз,
Раббимиз рахматига куз тутиб Сиз хуш келдингиз.

Келмаганлар урнига хам Хакдан суранг маъфират,
Хаж килолмай армонда утганлар рухини шод айласин.
Хак таъоло барча утганларни рахмат айласин,
Дилда ХАК деб утганларни жойин жаннат айласин,
Хар нафасда Оллохимга хамдлар айтиб Сиз хуш келдингиз,
Беадад шукроналар айтиб салом Сиз хуш келдингиз!.

23.08.2005 йил.

**Бизни кечир**

Яратганда бизни, Оллох
Такдиримиз узинг берган,
Айбу-нуксон, камчиликла
Хам хидоят, ризк берган,
Хам фаросат, хам камолот,
Аклу одобни Сен берган.

Лек бу дунёда билмайин,
Куп гунохлар килибмиз,
Айбу нуксон бизда купдир,
Тавба килдик-бизни кечир.

Баъзида игвою-гийбат,
Баъзида килдик хиёнат,
Покламай танни захарлаб,
Йукотдик биз бор диёнат.
Айбу-нуксон бизда купдир,
Тавба килдик – энди кечир.

Ота-она дуосин олмай
Усдик расво-бемехр.
Ибодатга йук мухаббат,
Аллох каломига мехр.
Айбу-нуксон бизда купдир,
Тавба килдик – энди кечир.

Ишк йук, ихлос йукотдик,
Дард йук, фарк йукотдик,
Диллар вайрон файз йукотдик,
Айбу – нуксон бизда купдир,
Тавба килдик – бизни кечир!
Не учун булди одат-
Тоат хам йук, йук ибодат,
Энди Сен бер хидоят
Юз угирди биздан бахт,
Айбу-нуксон бизда купдир,
Тавба килдик – энди кечир.

Тавба айлаб сурсалар гар

Оллох кечиргай дерлар,
Ёлвориб, Сендан сураймиз
Иймонда кил мукаррар,
Айбу-нуксон бизда купдир,
Тавба килдик - бизни кечир!

15.10.05 йил.

**Омонатдур..**

Олох берган буюк неъмат-
Кошу –кузинг омонатдир.
Олох берган буюк неъмат-
Бошдин-оёк омонатдир.
Кадрига ет,шукрона кил
Хаммасини омонат бил.
Улар сенга омонатдир
Сени узинг омонатдир.
Асли жонинг омонатдир.

Кузни берган курмок учун,
Элга назар солмок учун.
Бу-илохий муъжиза ,деб
Инсон такрор билмок учун.
Сен узингни омонат бил,
Сен кузингни омонат бил.

Оллох зикрин сузламок чун,
Тил хам асли омонатдир,
Ёмон-фахш сузлардан сен
Тилни пок тутмок этиб,
Бир калима суз айтиб
Турган тилинг омонатдир,
Сен сузингни омонат бил,
Сен узингни омонат бил!
Сен жонингни омонат бил!

18.02.2005 йил

**ЖОНИНГ ОМОНАТДУР**

Кимларгадир Оллох фарзанд бераркан,
Дунёдан бефарзанд кимлар утаркан.

Кимларгадир оллох мол - давлат бериб,
Кимлардир дунёдан гадо утаркан.

Ким гарибу, кимлар мусофир булиб,
Кимлардир шохликда утар дунёдан.
Факат Оллох учун ибодатларнинг
Амалларин савоби бокий коларкан.

Лекин бизга хаммаси омонат экан:
Омонатдур фарзандлар нечта булса хам,
Омонат молу давлат тогдек булса хам,
Омонат бошда шохлик тожи булса хам,
Факат Оллох учун килган ибодатларим,
Амалларим савоби бокий буларкан .

Бу дунё асли бизга омонат экан
Бу дунёдан хамма сузсиз кетаркан.
Сулаймон хам кетган кулини очиб,
Дунёдан хеч нима олиб кетмаган.

Ота-онанг омонатдур - дуосин ол, ганимат бил,
Омонат сенга Ватан, тупрогин сен мукаддас бил,
Омонатдур еру - осмон, куёш-хаво - ганимат бил,
Оллох берган буюк немат - хар сония омонат бил,
Хар дакика утган умринг онларин сен омонат бил,
Омонат бил жонинг сани, умринг узин омонат, бил!

Омонатдур эрта бахор, униб чиккан майсалар хам,
Омонатдур богу-роглар униб чиккан чечаклар хам,
Ерни урса талкон килар-ёшлик чогинг омонатдир,
Бошдаги кора сочинг бирла бошинг омонатдур.
Факат Оллох учун килган ибодатларинг
Амалларинг савоби бокий буларкан.
У дунё саодатин шаксиз бераркан!

5.03.2005 йил

**Инсонлар куп…**

Калби нопок ,беадаб
Мансабпараст инсонлар куп.
Дуст тутунмас бесабаб,
Гайр максад инсонлар куп.

Менман дунё устуни,деб
Гоз юргувчи инсонлар куп,
Меваси гур,магзи пуч,
Нафсин тиймас инсонлар куп.

Бу оламда курдик биз-
Лаганбардор инсонлар куп.

Колдирмасдан дунёда из
Аламзада инсонлар куп
Сен алардан эхтиёт бул,
Якин тутма уларни куп.

Бу оламда жохиллар куп,
Мехр  йукдир уларда.
Жахолатда харобдир куп,
Маъно йукдур уларда.
Сен жохилни синаб куп,
Сунгра ани хурматла хуп.

Шердек зур булсанг хам,
Хеч кимсага озор берма,
Сен хаммасин синаб хуп,
Сунгра алар хурматла куп.

17.02.2005 йил.

**Хушёр бул!**

Эй фарзанд, сен хеч кишига
Узни душман тутмагин.
Гар душманинг булса хам
Асло ундан сен куркмагин.

Сен ани ошкора-пинхон
Ишларидан хабардор бул.
Ва хамиша сен уларнинг
Хийласига тайёр хам бул.

Доимо душманнинг холин
Билмоклик тадбирин кил.
Шунда сен бир балога
Етмагайсан ,аник бил.

Гарчи «ожиз» булсанг хам
Узни «ожиз» курсатмагин
Душманинг хуш сузига
Кунгил куйиб,ишонмагин.

У яхшилик килганда хам
Сен шунда хам эхтиёт бул.
Унинг макру-хийласига
Доимо сен хушёр бул.

23.02.2005 йил.

**Эй фарзанд**

Эй фарзанд, дуст кидирсанг
Дустинг номард булмасин,
Унга сен бир суз айтсанг
Сиринг ошкор булмасин.

Узни доно билган нодон
Дуст булмагай хеч качон.
Тутса хам  узни якин у,
Сен эхтиёт булгин шу он

Гар киши булса билимдон,
Акл унга лек мос эмас,
Бу билимдан фойда йук,
Бу билимдур бесамар.

Эй фарзанд,сен яна билгил:
Халк ичида яхши суз айт
Узгалар хам сен хакингда
Яхши суз айтсин десанг.

Яхши дуст булиб хаётдан
Гамсиз утмок истасанг
Сергина булмай хаётдан
Сен хасадла утмагин.

Битмайдиган иш учун сен
Жонинг бериб уринмагин.
Хеч ахтарма анкони сен
Соглик бериб ,тополмассан.
Шунда сени девона деб,
Кулмаслар  хеч устингдан.

19.05.2005 йил.

**Азиз фарзанд**

Гар имонлик фарзанд эрсанг
Отангни ёд эт аввало.
Гар имонлик фарзанд эрсанг
Онангни ёд эт аввало.

Сочларига ок тушиб гар
Бетоб булиб ётсалар ул
Ширин сузинг ,яхши хулкинг
Бирла шифо эт аввало.

Баъзида жахли чикиб гар
Отанг насихат айласа,
Сен унга тик гапирма-
Бошингни эг энг аввало.

Мехрибон онанг сенга гар
Иш буюрса хеч «уф» дема,
Канчалик яеглишмагин сен ,
У кечиргай энг аввало.

Баъзилар борки кунгилни
Парчалаб ,дог айлагай,
Баъзилар борки кунгилни
Кутариб ,тог айлагай,

Уйламай суз айтмагил,
Йиглатиб сен бенгона дил,
Ёмон сузинг ,совук хулкинг
Бирла узинг хор айлама.

12.11.1987 йил.

**Имон бокийдир**

Харомдан топилган мол-дунё, билинг,
Сизни диндан чикариб, йулдан оздирар,
Мол-дунё учун кураш авж олса,агар
Кишилар бошига гам – ташвиш етар.
Оллохни шу дамда ёдга олинур,
Умр уткинчию, иймон бокийдур.

Кимлар амал килиб, иймонлик булса,
Аларнинг амалаларин савоби купдур.
Кимларнинг бошига бололар етса,
Билсинким, уларнинг гунохи купдур.
Оллохни шу дамда ёдга олинур,
Охират саодати ният килинур.

Ахир, умр уткинчи, иймон бокийдур,
Кишилар, албатта, имтихондадур.
Бизлардан аввал утганлар хам шу,
Биздан кейин хам шундай булажак.
Бу дунёда килинган яхши амаллар
Охират саодатин шаксиз, беражак.
Бу умр уткинчи-иймон бокийдур,
Бу умр уткинчи -  хамма кетажак!

16.02.05 йил

**Ширкдан асрасин**

Солих амаллик оддий бир йигит
Хизр Алайхисаломни бир курсам дерди.
Учрашсам Хизрнинг кулини сикиб,
Ниятим дуосин бир олсам ,дерди.

Шу ният билан у Шайхга учрабди,
-Хизр алайхисаломни бир курсам,дебди
-Кулин ушлаб,дуосин бир олсам ,дебди.
-Канийди,шу орзуга мен етсам,дебди.

Шайх уйга толиб,шундайин дебди:
-Ниятинг пок булса,ибодат килгин,
Менга якин утиру, кузингни юмгин,
Ва каъбатиллохда узингни кургин-
Дебди шайх дуо этиб ушбу йигитни.

Дуо сунгида шайх шундайин дебди:
-У ерда утир-да ибодат айла,
Бомдот намозидан сунг Хизрни пойла!
Хизр алайхиссалом оппок кийимда,
Унг томонингдан сени аста утади.
Сен уни кулин махкам ушлайсан,
Ниятинг айтасану, дуо сурайсан.

Шу дамда йигит хам Каъбатиллохда
Куз очиб юмгунча узин курибди.
Йигит бомдот намозин укиб буларкан,
Шошиб унг томонга кузин бурибди.

Оппок кийимлик хушсурат инсон
Ибодат билан банд эдилар шу он.
Шайхни «ушла» деган сузин эслабди,
Шошиб Хизр кулини махкам ушлабди.

-Сиз Хизр алайхиссалом! Саломим сизга-
Дея йигит саволга уни тутибди.
-Оллох окибатингни хайрлик килсин,
Кулимни,илтимос,куйиб юборгин
Дея Хазрати Хизр ундан сурабди.
Йигит ундан дуо истамак булиб
-Дуо килин,-дея ундан сурабди.

Хизр алайхиссалом вазминлик билан
Йигитга шивирлаб бир гап айтибди:
-Кечагина узининг кароматила
Сени Каъбатиллохга келтирган киши

Адашиб ,шубхага бир карра тушди.
Оллохга шу билан ширк келтириб ул,
Иймонсиз холатда дунёдан утди.

Шундай экан ,билгил гунохкор инсон,
Бир умр иймону ибодат бирла
Утаман дунёдан, деб магрур юрма.
Охирги лахзада ширкка сен кетиб,
Ажалнинг домига  сен тушиб колма.
Оллох хаммамизни хидоят килсин!
Оллох окибатимиз хайрлик килсин!
Оллохимга хамду санолар булсин!

5.12.2005 йил

**Доим «Бисмиллох» билан**

Шеъримни бисмиллох дея бошладим,
Яхши ният ила  мен ёза бошладим.

Яхши ва хайрли барча ишларни
Мусулмонлар бисмиллох билан бошлайди.
Илк кадам куйишнию,йулга чикишни,
Уйга киришнию ,ундан чикишни,
Таом килишнию ,уни ейишни
Иймонликлар бисмиллох билан бошлайди,
Мусулмонлар бисмиллох билан бошлайди.

Эрта бахор дехконлар режа тузишни,
Дала-даштга сув бериб,экин экишни,
Эрта кузда хосилни йигиб теришни-
Буни улар бисмиллох билан бошлайди.

Курувчилар янги уй кура бошлашни
Меъморлар илк режа чиза бошлашни,
Усталар илк гиштни куя бошлашни
Шаксиз бисмиллох билан бошлайди.

Оллох каломин тиловат килишни
Саловотлар айтиб ,дуо килишни
Хадис китибларин мутолаа килишни
Сузсиз бисмиллох билан бошлайди
Иймонликлар бисмиллох билан бошлайди,
Мусулмонлар бисмиллох билан бошлайди

Амир Темур бобомиз дунё кезганда,
Тарихий  юришларин у бошлаганда,
Намозин канда килмай,ибодат килиб,
Илк юришин  бисмиллох билан бошлаган.

Улугбек осмонни забт этган онда,
Узок юлдузларни кашф этган чогда,
Илмий изланишлар бошлаган тонгда
Шаксиз бисмиллох билан бошлаган.

Илхом келиб Алишер шеър бошлаганда,
Кулга калам олиб у суз бошлаганда,
Савобу хайрли барча ишларин
Албатта у бисмиллох билан бошлаган.

Ута истеъдодли имом Бухорий
Куръони каримни кулга олганда
Дунё кезиб,ровийлар излаган чогда
Бир минг саксон мухаддисдан у,
Юз минг хадисни ёд олган чогда,
Сузсиз у бисмиллох билан бошлаган.

Идрокли ,тиришкок имом Термизий
Хадис илмини чукур урганаган холда,
Дунё кезиб мухаддис уламолардан
Сахих хадисларни ёд олган чогда
Албатта у бисмиллох билан бошлаган.

Мирзо угли Бобир ёшлик чогида,
Тахтга ворис булиб,шохлик чогида
Бобурийлар салтанатин у яратганда,
Шаксиз у бисмиллох билан бошлаган.

Абу Али Ибн Сино –комусий олим
Табобат илмини у бошлаганда,
«Авицена» номин дунёга танитганда,
Сузсиз у бисмиллох билан бошлаган.

Катагон иллари истеъдодли шоирлар:
Эльбек,Фитрат ,Кодирий,Усмон Носир ,Чулпонлар
Бекорга камалиб,Халк душмани булганлар,
Халк дардида куйиб,илк шеърларин ёзганда
Улар шаксиз бисмиллох билан бошлаган.
Иймонликлар бисмиллох билан бошлайди,

Туйчи хофиз,Мурод бахши,Мухиддинлар хам,
Комилжон, Таваккал,Маъмуржонлар хам,
Юнускори ,Расулкори Фахриддинлар хам,
Орифхон,Фаттоххон,Журахонлар хам
Илк бор соз олиб,уни чертганда,
Халк ичида танилиб,кушик айтганда
Улар шаксиз бисмиллох билан бошлаган.
Иймонликлар бисмиллох билан бошлайди.

Узбегим фарзанди каерда булса,
Яхши ният билан нима иш килса,
Дилда бисмиллох билан бошлайди,

Тилда бисмиллох билан бошлайди,
Иймонликлар бисмиллох билан бошлайди,
Мусулмонлар бисмиллох билан бошлайди.

5.02.2005 йил

## **Н а ф с**

Нафс нима узи, мазмуни кандай?
Бу савол хар кимни кийнаши аник.
Нафс бу инсоннинг моддий узлиги,
Ундаги ботиний маънавий борлик

Нафснинг  инсонда маълум хакки бор
Нафс истаги эса табиий бир хол:
Емок, ичмок,таносил ,истирохатга зор,
Ани истакларин бажармоклик бор.

Уз нафсин жиловлай олмаса инсон,
Шаръий истакларин у ажрата олмас.
Бошлаб борар нафси уни халокатларга,
Шерик килиб доимо фалокатларга.

Хавою-нафсга берилса киши
Нафсни покламак зарурдир иши.
Нафсин тиймайин, тарбия этмас,
У дунё, бу дунё харобдир иши.

Нафснинг яна бир иллати бордир:
Иштахасин кондирсанг – истаги тошар,
Еган сайин туймайди-очкузлик ошар,
Таскин топсин десанг-хирсин оширар.

Пул  топса хам туймайди, чегарасин билмайди,
Улчов нима билмайди, билишни исмтамайди
Куз тупрокка  туйгунча, бу одатин куймайди.
Нафсин кули булганлар улганда хам туймайди,

Оллохнинг карами, мархамати кенг,
У билгувчи, яратгувчи, саховати кенг,
Соф нафсга мушарраф булайин десанг
Астойдил сурагин-химмати хам кенг.

23.02.2005 йили

**Ислом кургонлари**

Ислом беш кургонлик мустахкам шахар,
Бу шахар кувватни такводин олар.
Унда имон-эътикод ,поклик мужассам,
Унда мехр-окибат –шохлик мужассам.

Биринчи кургони -имон кургони
Олтиндан курилган унинг девори,
Барча муминларга шудир шиори :
«Аллох ягона» - деб,эътикод этмок,
Бутун калби билан илтижо этмок
Аллахнинг «Расули» - пайгамбарларга,
Мукаддас самовий китобларига,
Киёмат кунига,кайта тирилиш,
Такдиру-азалга бешак ишониш
Мумин калби шунга бешак эргашиш
Бу кургоннинг хукми-низоми шудир
Бу кургоннинг конун –коидаси бир.

Иккинчи кургони-ихлос кургони
Кумушдан курилган унинг девори,
Риё ва нифоклар уни емирар,
Мунофик инсонлар уни кемирар.

Учинчи кургони –фарзлар кургони,
Темирдан курилган унинг девори.
Намоз ва закотни ким канда килмай
Руза тутиб,хаж килиб,тавоф айласа,
Фарзларин бажо этиб,амал айласа,
Бу кургон девори мустахкам булгай.

Пишик гиштдан уралган туртинчи кургон,
Суннат амалларнинг удир кургони.
Амаллар муминга берур шафоат,
У дунёю бу дунё берур фарогат.

Хом гиштдан девори бешинчи кургон,
Яхши хулк-одобга ишончли кургон.
Шайтон васвасаси туфайли бирдам
Шу кургон девори бузилса бирдан,
Ислом кургонлари ларзага келур,
Муминлик холатлари хавфга келур.

Шайтонга эргашма –нафсинг тийиб юр,
Одоб-ахлокинга назар солиб юр.
Эхтёт кил ,саклагил кургонларни сен-
Ислом кургонлари мустахкам булур.

10.12.2005 йил

**Инсоний турт сифат**

Инсонни хайвондан фарклаб турувчи,
Умрини зийнатли бахтли килувчи,
Хикмат,Акл,Каноат,Адолат каби
Турт сифати уни мукаммал килур.

Сифатлар биринчиси –Хикматли булмок,
Аллохга  шаксиз иймон келтирмок,
Куръону-хадисга содиклик билан
Чукур илм олмогу ,саводли булмок.

Сифатлар иккинчисиАклли булмок,
Акл билан доимо маслахат килмок,
Булажак ишларни режасин чизиб,
Табиатни тафаккур билан урганмок.

Сифатлар учинчиси –Каноат килмок,
Удир  Олийжаноблик, Сабрли  булмок,
Тушса бошга фалокат,маломатлар хам
Каноатла сабр айлаб ,шукурлар килмок.

Сифатлар туртинчиси- Адолат килмок,
Ваъдасига вафо килмок ,тугрисуз булмок.
Инсонларга жабр-зулм хохламай асло
Адл ила яшамок,меъёрли булмок.

Инсонда бу турт сифат тулик булса гар
Узин бахтли деб билса булур хар инсон,
Инсонда бу турт сифат бушлик булса гар
Хайвондан  сира фарк у булмас инон.

31.05.2005 йил

**Онамни курсам дейман**

Тириклик чогида мен ёшлик килиб,
Онамнинг хизматин тула килмадим.
Энди мен не килай шуни кеч билдим,
Онам  мендан розими-билаолмадим.

Тушимда   онамни   бир  курсам   дейман ,
Согинч  тула  кунглимни   кондирсам   дейман,
Дарду   хасратимни   бир   туксам   дейман ,
Хеч  булмаса   энди   тушда   булса   хам  ,
Мехр  тула   кузларига    мен   туйсам    дейман,
Онамнинг    дуосин    мен    олсам    дейман.

Тушимда    онамни   бир   курсам   дейман,

" Болам" деган сузин эшитсам дейман,
Хеч булмаса бир оз булса хам
Армон тула кунглимни бушатсам дейман.

Тушимда онамни бир курсам дейман,
«Мен ахмок угилни кечиринг»,деб
Чин дилдан узурим сурасам ,дейман,
Хеч булмаса энди тушда булса хам,
"Кечирдим, жон болам , кечирдим"
Деганин Онамдан эшитсам дейман.

Тушимда онамни бир курсам дейман,
Ёшлигим бир зумга кайтса дейман,
Онам уз багрига мени боссаю,
Охиста бошимни силаса дейман.

Тушимда онамни бир курсам дейман
Пойига тиз чукиб, бошимни эгиб,
Кадок кулларини бир упсам дейман,
Хеч булмаса тушда булса хам
Онамнинг хизматин килолсам дейман:
Елкамда кутариб мехрибон онам
Хажларга кутариб оборсам дейман.

Афсус- надомат бу орзулар кеч,
Умримиз оркага кайтмайди-ку хеч.
Онамнинг рухини Оллох шод этсин,
Фарзандлар уларни доим ёд етсин,
Оллохдан сураймиз ибодатда биз
Жаннатда бизларни бирга бор этсин.

01.02.2005 йил

**Отам эккан дарахт…**

Отам эккан бу дарахтни ният килиб,
Мева килса ,мевасидан бахра олиб,
Фарзандларим туйиб-туйиб,есин ,деган,
Катта булиб орзусига етсин ,деган.

Отам эккан бу дарахтни уссин дея,
Мева бериб ,соя-салкин килсин дея,
Орзу -ният яхши экан энди билдим,
Мевасин еб, камол топди фарзандлим.

Отам вафот этганига канча булди,
Етим булиб колганимга анча булди,
Не-не огир –очлик кунлар утди бошдан,
Шу дарахтнинг жони экан асли тошдан.

Нон тополмай не кунларни утказдик биз,
Меваларин еб .кунларни утказдик биз,
Очлик булган йилда дарахт асраб бизни,
Отам улган,шу даврда бокди бизни.

Отам улиб кетганига анча булди,
Унинг эккан дарахтига канча булди!
Вакти етиб ,бу дарахт хам куриб булди,
Пишиб турар мевалари адо булди.
Ховлимизнинг уртасида  - курук дарахт
Отамиздан эсдалик у – турар  карахт.

Кулим бормас болта ушлаб,урмокликка,
Кулим бормас уни энди кесмокликка,
Арра тишин баданига кандай урай,
Кулим бормас «отам»ни мен урмокликка!
Ховлимизнинг уртасида - курук дарахт
Утган кунлар эслатади – ушбу дарахт!

Экканларнинг хакларига дуо килиб,
Жонли суйиб,дарахтни хам кесиб булдик,
Отам каби биз хам яхши ният килиб,
Урнига хам янги дарахт экиб куйдик.

Ховлимизнинг уртасида -  янги дарахт,
Ният килдик фарзандларга келтирсин бахт,
Истар эдик, бу ниятлар хар дам булса,
Мевали бог бизнинг юртда доим булса,
Халкимизга ушбу боглар биздан колиб,
Авлодларим  аждодлардан рози  булса.

01.06.2005 йил

**Юрак билан сухбат**

Эй юрак,сенга жон ато этган Зот
Менга уз мехрила берганда хаёт,
Аллохнинг улуг бир иноятила
Сен билан тирикдур бининг бу хаёт.

Шух ёшликда сенга бермай эътибор,
Кадринга етмадик, асрамадик хеч,
Билмади не зарар, не берар озор,
Баъзида булсанг хам хордикка сен зор.

Шавкатсиз бу хаёт кузга илмайин
Кукларга учаркан тиним билмайин.
Баъзида сув каби тулкинланиб у
Юракни эзаркан парво килмайин.

Шунда бизлар чеккан гаму-андухлар,

Мухрин босар экан сенга, эй юрак,
Шунда хам соат каби чарчок билмайин,
Менга садокатла  ишлайсан,юрак.

Умр утмокдадир ,асаблар  таранг,
Юрак хам чарчади ,товушин каранг,
Уни яна кандай  синовлар кутар,
У яна хам  безовта ,урушин каранг.

Юрак холдан тойган –ором истайди.
Кани энди хаёт шуни билсайди.
Юрак качон тухтар-умр тугайди
Буни билар факат  умр  берган У зот.
Унинг кулидадир омонат бу жон,
Унинг кулидадир бизнинг бу хаёт.

31.01.06 йил.

**Аллохнинг ситфатлари хакида**

Аллох бутун борликни яратган зотдир,
Бекиёс кучли У,тенги йук зотдур,
Барча яратишлар Аллох кулида,
Барбод этишлар хам Унинг кулида,
У мукаммал,Ягона ,Улуг Бир  зотдир,
У азалий,У абадий У бархаётдир.

Дунёда хеч кимса  колмаганда хам,
Дунёда хеч нима булмаганда хам,
Хеч качон улмайди,У улган эмас,
У азалий , У абадий бархаёт зотдир.

Улчами  йук чексиз коинотни хам,
Бутун Мавжудотни ,гайб оламни хам,
Оламлар Эгаси,мутлок Хукмдор
Аллох яратгандир,У улуг зотдир.

Унинг онаси йук, булган хам эмас,
У хеч тугилмаган , тугган хам эмас,
Фарзанди йук унинг, курган хам эмас,
У мукаммал,У ягона улуг бир зотдир.

Аллох таоло бокий ,билгувчи зотдир,
Мавжудлиги чексиз булган Бир зотдир,
Аввали йук унинг ,охири хам йук,
У азалий ,абадий бархаёт зотдир.

Унга шерик,ухшаш зот йук дунёда,
Узига хос мутлок тенг йук дунёда,

У мукаммал ,ягона Улуг Бир зотдир
У доимий ,абадий хар он хаётдир.

Хар ерда У хар вакт нозиру-хозир,
Макони хам йук унинг -ломакондир,
Хар нафасда ,хар онда зухурда бордир.
У бенуксон,бехато Улуг Бир зотдир.

У хамма нарсага кодиру-нозир,
Илму-хикматлари чексиз уммондир,
У гоялар манбаъи, Олий, Кудратли,
У хеч кимга мухтож булмаган зотдир.

У шонли,У улуг-Аллох буюкдир,
Мумин –мусулмонга доим суюкдир,
Еру осмондаги алар ишларин
У доимо куриб тургувчи зотдир.

Хар нарсага кудрати етгувчи зотдир,
Туксон туккиз сифати узига хосдир,
У Самиъ- хар нарсани эшитгувчи зот,
У Басийр хар нарсани кургучи зотдир.

У хамиша мехрибон,мангу тирик зот,
Хар нарсани билдирувчи,эттирувчи ёд,
У азалий ,У абадий,Удир бархаёт
У мукаммал ягона,яратгувчи зот.

28.01.06 йил.

**Билингки,карилик кета бошлабди…**

Хар кимнинг сочларига ок тушса гар,
Чиройли юзларига дог тушса гар,
Хар кимнинг белидан кувватi кетиб,
Пешона,чаккасига ажин тушса гар,
Билингки хаёти ута бошлабди,
Билингки, карилик кела бошлабди.

Хар кимнинг оёгидан мадор кетса гар,
Бакувват кулларидан кучи кетса гар,
Кузларидан нур кетиб,таёк тутса гар,
Билингки, карилик кела бошлабди.

Хар кимдан бир зумда хаёл кетса гар,
Гапу-сузларидан маъно кетса гар,
Адашиб кетса гар юрган йулидан,

Билингки ,карилик кела бошлабди.

Хар кимдан хотира кета бошласа,
Укигани ёдидан чика бошласа,
Кеча айтган сузин эслай олмаса,
Билингки, карилик кела бошлабди.

Карилик  бир касал –давоси йукдир
Атрофдагиларнинг парвоси йукдир.
Факат Оллохдан у даво сураркан,
Хеч кимга шикоят ,даъвоси  йукдир.

Хеч кимга керакмас,булиб у факир,
Факат кариликка булуркан асир,
Билингки хаёти ута бошлабди,
Билингки карилик кела бошлабди.

Харомни халолдан фарк кила олса,
Ёмонни  яхшидан у ажрата олса,
Хаётда яшашдан максадни англаб,
Яратган Оллохни у севa олса-
Рухи кувватга тула бошлабди,
Иймони мустахкам була бошлабди.

Хар ким хатоларин англай бошласа,
Намоз укиб,хидоят сурай бошласа,
Туну-кун кузда ёш, ибодат айлаб,
Яратгандан маъфират тилай бошласа,
Билинг у хаётни англай бошлабди,
Рухий кувватни у ола бошлабди,
Карилик оркага кета бошлабди,
Иймони мустахкам була бошлабди.

30.05.2005 йил

**Аёлар илмли булмоги фарздир !**

Булажак фарзандлар онаси ахир
Оламнинг сирларин билмоги керак,
Дадил булиб ,узлигин англамок учун
Хак-хукукин аник билмоги керак,
Аёллар илмли булмоги фарздир,
Оналар илмли булмоги карздир.

Дину ахлок билан тарбия килмок,
Ислом динига эътикод этмок,
Имонда ,ихлосда зиёли булмок,
Зарурдир аёлга билимли булмок,
Аёллар илмли булмоги фарздир,

Оналар илмли булмоги карздир

Аёллар кулида оила бахти,
Хотинлар кулида эрининг тахти,
Фарзандлар камоли уларнинг ахди,
Зиёли булмокка етсайди вакти.
Аёллар илмли булмоги фарздир,
Оналар илмли булмоги карздир.

Сабрли,токатли булса гар аёл
Каноат ,саодат-унда мужассам.
Барча оиланинг таянчи аёл,
Халким  бир булаги кувончи аёл
Аёллар илмли булмоги фарздир,
Оналар илмли булмоги карздир.

Аёллар кийимин пок киймок керак,
Уйларин хар доим соф тутмок керак.
Оналар хеч кимга мухтож булмасдан
Бу дунёда бахтли яшамок керак.
Аёллар илмли булмоги фарздир,
Оналар илмли булмоги  карздир.

Ухлаб ,ялковланиб ётмасин аёл,
Эрининг борини  хазон килмасин,
Оила хурматин килмаса , аён,
Иффатли ,хаёли булиши хаёл.
Аёллар илмли булмоги фарздир,
Оналар илмли булмоги карздир.

Ёмон хулк ,догларин ювиш истаса,
Бузукликдан йирок булиш истаса,
Калби доим пок булиш истаса,
Албатта илмли булмоги керак.
Аёллар илмли булмоги фарздир,
Оналар илмли булмоги карздир

Кунгилларга зиё бахш этмок истаб,
Хаётда сирдош дуст топмоклик истаб,
Олимлардан илм олмоклик  керак,
Амалда илмли булмоги керак,
Аёллар илмли булмоги фарздир.
Оналар илмли булмоги карздир.

Дунё вокеаларин англамок учун,
Сиёсатни яхши тушунмок учун,
Ёмонни яхшидан ажратмок учун,
Аёл киши илмли булмоги керак.
Аёллар илмли булмоги фарздир,
Оналар илмли булмоги карздир.

Сихат –саломат булайин деса
Дардларга малхам берайин деса,

Фарзандлари соглом булайин деса,
Келажакка кадам куяйин деса,
Аёллар илмли булмоги  фарздир,
Оналар илмли булмоги  карздир.

9.02.2005 йил

**Узбек келини**

Доно ва гузалдир узбек келини
Камтар ва ораста узбек келини.
Пардозга мухтожмас- узи чиройли
Иймонли ,мусулмон узбек келини.

Бехуда сузламас,гап кайтармас хеч
Эрининг гапини икки килмас хеч.
Саломин канда килмас эри келса кеч
Иймонли, мусулмон узбек келини.

Оила,фарзандлар тинчлигин уйлаб,
Овозин чикармас эри урса хам.
Хурласа,топтаса,эри сукса хам
Иймонли, мусулмон узбек келини.

Шикоят килмайди уйдан хайдаса,
Эрига содик у,умрбод бирга.
Сабрли ,токатли узбек келини
Иймонли мусулмон узбек келини.

Уз ота-онасин кандайин курса
Кайнона-кайнотасин шундайин курар
Фарзандларин  у жудаям севар
Иймонли ,мусулмон узбек келини.

Эрининг ишига аралашмайди,
Ёкмаган ишларин у хеч килмайди.
Яхши кийинишни канда килмайди
Иймонли,мусулмон узбек келини.

Эрта сахар туриб,куча супурар,
Ховлисига сув сепиб,уни супурар.
Бола-чакам дея елиб югурар
Иймонли,мусулмон узбек келини.

Ер хайдаб,пахта экиб,боласин бокар,
Эрта сахар туриб,сигирин согар.
Хурматга лойикдир,сен билсанг агар
Иймонли,мусулмон узбек келини.

Мавжуддир дунёда турли хил келин
Уларнинг сараси бизларнинг келин
У камтар,у доно.удир акилли
Иймонли ,мусулмон узбек келини.

Йигитлар орзуси шундайин келин
Насиб этмас хаммага бундайин келин.
Тушгунча улар «Кизил китоб»га
Авайлаб-асрайлик авлодлар учун.
Сабрли,токатли узбек келинин
Иймонли,мусулмон узбек келинин.

3.02.2005 йил

**Хомилада не гунох**

Онасининг айш-ишрат нафси учун,
Билиб –билмай хато килган айби учун,
Шайтон йулдан уриб куйган иши учун
Нега энди хомиласи жавоб берсин.

Оллох берган норасида жонин энди
Киркмокликка аёл кунгли карор килди.
Норасида бу вужудда нима гунох!
Аслидаку онасида катта гунох!

Тугилганда яхши фарзанд булармиди,
Тенгдошлари каби бахтли юрармиди,
Бу дунёни курсатмайин аёл унга
Катта гунох килганлигин билармиди!?

Бу оламни куришга у хакли эди,
Хамма каби уйнаб –кулса бахтли эди.
Тенгдошлари каби у хам униб усиб,
Бу дунёнинг гаштин сурса яхши эди.

Эй одамзод,огох булгин гунох ишга,
Аралашма Яратганнинг ишларига,
Кадамингни билиб босгин хар ишингда,
Берилмайин шайтоний Сен хирсларингга.

21.06.2005 йил

**Фарзанд-неъмат**

Кимларгадир Аллох  фарзанд бераркан,
Кимлардир бефарзанд утар дунёдан,
Ёшлар оила курмиб,бахтли булиш чун
Келин-куёв албатта фарзанд кутаркан.

Кечагина ниятларим огушида
Орзуларим юлдуз булиб ёнар эди.
Аллохимиз мехрибонлик килиб бизга
Фарзандликка бир нишона берган эди.

Шайтон йулдан адаштирди аёлимни,
Кайтаролмай уни бундан армон энди,
Аллох берган ул неъматни жонини у
Шавкатсизла узиб булди ,аён энди.

Ким билади,мен хам ота булармидим,
Хамма каби «болам бор» деб айтар эдим,
Тугилганда  кад кутариб юрар эдим,
Аллох берган ул неъматни кадрин билмай,
Она булиш насибасин  олдирди у,
Ота булиш нашидасин  колдирди у.

Афсус энди ,хар кун Хакдан ибодатда
Фарзанд сурар- аёл узи хижолатда.
Фарзандсизлик бизга энди синов булди,
Ота-она булиш бизга синов булди.

Аллох менга ота булиш насиб этгин,
Хамма каби бахтли хаёт насиб этгин,
Авф этгин килиб куйган  гунох ишин,
Аёлимга она булиш насиб этгин,
Шайтонларга эргашмокдан асраб бизни.
Маъфират эт хидоятга бошлаб бизни.

21.06.2005 йил

**Мухаммад  Юсуфга  ( Оллох  рахмат  этсин)**

Шеьрларингиз  укиб,  сизга  дуст   булгандим,
Шеьрларингиз  укиб,  пинхон  жур  булгандим,
Сизни курмок орзусида мен юргандим,
Сиз билан сухбат курмок ният килгандим,
Бевакт улим сизни бирдан олиб  кетди.
Юз   куришмай , менда   армон  колиб  кетди.

Бевакт улим Сизни биздан тортиб кетди,
Ул дунёга учкур кушдай олиб кетди.
Тупрок билан ога- ини килиб Сизни,
Ер каърига ёш жисмингиз кумиб кетди.

Шеърларингиз укиб,жуда хайрон колдим,
Улим якин сезганмисиз? Мен лол колдим,
Бу дунёдан жуда эрта кетмокликни
Балки Оллох дилга солган,сезиб колдим.

Ишларингиз куп эдику хали Сизнинг,
Режалар хам тог эдику хали Сизнинг,
Аллох билар шошиб кетмокликда не бор
Ёруг дунё Сизга нечун булибти тор.

Шунча умр насиб этган,билдим энди,
Пешонада бори экан ,билдим энди,
Сизни севган инсонларга сабр бериб,
Жойингизни жаннатларда килсин энди.

Хар бир инсон бу дунёдан кетар экан,
Якинларин, севганларин ташлар экан.
Йиглайвериб, юрагини тамом килиб,
Жигарлари бу дунёда колар экан.

Сиз хаётни хамма каби севгандингиз,
Севгингизни яширмайин ёзгандингиз,
Халкингизни дардини сиз сезгандингиз
Шу туфайли халкимга Сиз ёккандингиз,

Бу дунёда Сиздан ширин фарзандлар бор,
Халким севиб куйлаётган кушиклар бор,
Сизга доим содик булган шогирдлар бор,
Халк дилида Сизнинг учмас номингиз бор.
Энди Оллох рахматига олсин Сизни,
Якинлариз рухингиз шод этсин Сизни.

27.05.2005 йил

**« Босмачилар»**

Олмослардан уткир булган шамшир кани,
Тутун булиб учиб кетган такдир кани,
Миниб юрган садокатли кашкир кани,
Мозорингиз кайдан излай, «босмачилар».

Кургошинга калкон булган кукрак кани,
Конга ботган ок пахтадан яктак кани,

Хамма каби улмадингиз-жасад кани,
Мозорингиз кайдан излай,»босмачилар».

Уйингизда сизни кутиб онангиз хам,
Жамолизга туймай колган аёлиз хам,
Эрта сахар хайрлашган у ёриз хам,
Мозорингиз кайдан топсин, «босмачилар».

Сизни буйлаб ,хайкалингиз куймок учун,
Пойингизга гулчамбарлар куймок учун,
Хотирангиз олдида тиз чукмок учун,
Мозорингиз кайдан излай, «босмачилар».

28.05.2005 йил

**Посбонларга рахмат!**

Постингизда доим зийрак булингизлар,
Бегонага доим сергак булингизлар,
Шубха булса, хар дам тайёр булинг Сизлар
Хизматларга доим рахмат деймиз бизлар.
Ватанимиз посбонлари,Сизга рахмат,
Чегарамиз босбонлари ,Сизга рахмат!

Кахратон киш,совукларни писанд килманг,
Жазирама иссикларни Сиз менсиманг,
Халол мехнат килинг доим хеч чарчаманг,
Мехнатингиз кадрини сиз зое  билманг
Ватанимиз посбонлари ,Сизга рахмат,
Чегарамиз посбонлари – Сизга  рахмат!

Тунни кунга улайсизлар чарчок билмай,
Навбатчилик килиб Сизлар, хордик билмай,
Маъмуржон,Эралибек,Бахтиёрлар хам,
Эркинжон, Асилбек,Холдоржонлар хам,
Беркинжон,Инкорбек,Дониёрлар хам,
Оилангиз билан доим соглик Сизга,
Командирлар билан доим тинчлик Сизга,
Ватанимиз посбонлари- Сизга рахмат,
Чегарамиз посбонлари- Сизга рахмат!

2.06.2005 йил

**Абдулахат -табибга**

Оллох берган улуг неъмат
Табибликдур сенда хикмат.
Эзозла сен- кадрига ет,
Килиб савоб –элга хизмат.

Аждодлари табиб булган,
«Мошфуруш» деб номин олган
Иброхимтабиб авлодисан.
Шуни доим ёдда тут сен:
Халол,поклик билан хизмат
Унда доим шиор булган.

Турли талофатлар булса,
Турли кулфат элга келса,
Зудлик билан малхам этгил,
Оллохдандир шифо келса.

Кибрланма кукларга сен
Ман-манликка берилмагин.
Оллох берган табибликни
Элга нафи тегсин десанг.
Халкка холис хизмат килиб,
Алар дуосини олсанг
Аждодларинг рухи шоддир
Оллох рози булсин десанг.

21.05.2005 йил

**Ростгуйлик хакида**

Ростгуйликда хавф-хатар курсанглар хам,
Гарчи ундан фойда курар булсанглар хам,
Ёлгон суздан сакланинглар улсанглар хам,
Шунда нажот топгайсизлар утсанглар хам.

**Пахтакорларга**

Узбекистон фарзандлари ,омон булингиз,
Далаларда мехнат килиб,полвон булингиз,
Пахта териб,жавлон уриб, соглом булингиз,
Улкан булган олтин пахта –хирмон уйингиз.

Кад кутарган хирмонингиз – Ватан бойлиги,
Мехнатингиз ютуклари  - халк бойлиги,

Мехнатингиз зое кетмас-эл миннатдор,
Галабангиз зое кетмас-Ватан миннатдор.

Пахта бизнин бахтимиз-икболимиз,
Элу-юртга танитган шухратимиз –шонимиз,
Ватанимиз шухратидур бизнинг жонимиз,
Шу мехнатла топдик биз бахтли онимиз.

**Янглишган дустимга**

Дейдиларки халкимизда бир ажойиб накл бор
Шламай топсанг бойлик –у кетар бекор учун.

Оёгинг босгин билиб сен текис йулда тойиб кетмай
Хаётда куп тусиклар бор,таёр бул сен енгиш учун.

Баъзида нафсинг тиёлмай бир дакика ишратни деб,
Оила ризкини киркиб,сарф этарсан ким учун!?

Баъзида кунгил учун деб май ичарсан тинмайин,
Оила тинчин бузиб сен айт яшарсен ким учун.?!

Энди ёш кимса эмассан ,хаётда уз урнингни топ,
Аклу-хушингни йигиб ол ,сен яшарсен ким учун?!

Фарзандлар такдирин уйла,фурсатни кулдан бермайин
Сен уларни тарбия кил,мехнат килсин халк учун!

Сенга айтдим дил сузимни дустлигимиз хурмати,
Шу ниятлар сенга дустим,шу ниятлар сен учун!

1982 йил.

**Нега тиламчисан менга айт!**

Уят кани ,кани сенда андиша,
Тиламчилик булди ишинг хамиша.
Мухтожликка йук аслида асос
Кулларда куч бор,белингда кувват!

Чоррахадур сенинг жойинг хамиша,

Гохида бозорда-ю,масжит олдида
Кул очиб,садака сураган чогда
Нега нафсинг деб,  диндан кечасан ?
Кулларда куч бор,белингда кувват,
Нега тиламчисан ,менга айт ?

Тиламчилик сенга муносиб эмас,
Садака чун сен хеч зор эмас.
Хадис бор бил -токка чикиб териб хас
Шуни сотиб,садака килганинг хавас.
Кулларда куч борку,белингда кувват
Нега сен тиламчисан, менга айт ?

19.11.2004 йил

**Тилга кирган хомила**

Онасининг айш-ишрат нафси учун,
Билиб –билмай хато килган айби учун,
Шайтон йулдан уриб куйган иши учун
Нега энди хомиласи жавоб берсин?

Оллох берган норасида вужуд шунда
Тилга кириб,онасига шундай дебди:
«Ассалому –алайкум ,менинг онажон,
Мана ,энди юрагим ура бошлади
Харакатда кулларим,оёкларим хам,
Тепкилаб корнингиз ура бошлади.
Мени асраб-авайлаб юринг онажон,
Мен Сизга ортикча эмасман ахир.

Эрта бахор гулларин очилганини,
Далаларда лолалар сочилганини
Мен ёруг дунёда курайин ахир,
Ёруг дунё нималигин билайин,ахир.
Ёмон ниятларингиз куйинг онажон,
Мени асраб –авайланг,жоним онажон».

Оллох берган норасида жонин энди
Киркмокликка аёл кунгли карор килди.
Норасида бу вужудда нима гунох,
Онасида аслидаку катта гунох.

Шунда вужуд яна такрор тилга кириб,
Жон талащиб онасига шундай дебди:
« Тугилганда яхши фарзанд булар эдим,
Тенгдошларим каби бахтли юрар эдим,
Бу дунёни курсатмайин энди менга

Бу оламни куришга мен хакли эдим,
Хамма каби уйнаб-кулсам ,бахтли эдим.
Тенгдошларим каби мен хам униб,усиб,
Бу дунёнинг гаштин сурсам яхши- дея
Ушбу вужуд кон талашиб ,жон берибди.

Эй одамзот ,огох булгин гунох ишга,
Аралашма Яратганнинг ишларига,
Кадамингни билиб босгин хар ишингда,
Берилмайин шайтоний Сен хирсларинга.

25.06.2005 йил

## **Шох Жамшид хакида ривоят**

Бир ривоят буйича Шох Жамшид,
Ов сафари чогида йулда кетаётиб,
Йул буйида жаннатсимон бог курибди,
Мевалар гарк пишганин шу чог курибди.
Шох Жамшид чанкогин бахона килиб,
Богбон-чолдан бир пиёла сув сурабди,
Богбон тезда бир анорни сиккан экан
Бир пиёла анор шарбатига тулибди.

Пиёлани богбон дарров шохга берибди,
Шох Жамшид бир симириб ул шарбатни
Чанкогин бостирмай шундайин дебди:
-Бу катта бог кимнинг боги ? Эгаси ким?
Шунча мева шарбатларнинг хожаси ким?
-Бу катта бог эгаси мен ,хожаси мен,
Хосилидан эл бахраманд ,савобда мен.-
Дея богбон сузлабди Шохга жавобан.

-Бу катта бог меваси куп,шарбати куп,
Хар йилида улар берар фойдаси куп,
Шу фойдадан  подшохлик хазинаси
Билиб олинг ,тулиб турсин хар йили хуп,
Мен Шаханшох Жамшиддурман фармоним шу!
-Дея Жамшид йулда мамнун давом этибди.
Чол-богбон ушбу холдан лол колибди,
Тикилганча маъюс холда уйга толибди.

Овдан кайтар чогда Жамшид йулда яна
Богга кириб бир пиёла шарбат сурабди.
Богбон энди унта анор сиккинда хам
Бир култумча шарбат ундан зурга чикибди.

Шох Жамшид бу холатга хайрон булибди,
Сабабин богбон –чолдан шу дам сурабди.
-Адл билан эл фаровон ,юрт обод,

Зулм билан халк бесару-эл хароб.
Хукмдорнинг зулми зохир булса гар
Шул анорнинг мевасида не сабаб-
Дея богбон бир хурсиниб жавоб берибди.

Шох Жамшид килмишидан пушаймонла,
Уз фармонин бекор айлаб адолатла,
Богбон чолни бу соликдан озод айлаб,
Катта богни мамнун булиб тарк этибди.
Яна богнинг мевалари харён булиб,
Хосилининг шарбатлари дарё булибди.

2005йил

**А Р А К**

Кетказиб имондан сани,беимон килгай арак.
Эс хушинг олиб сани,шармандалар килгай арак!

Ман-ман деган не зотларни холин хароб килган арак.
Аста саломатлик олиб,холдин жудо килгай арак.

Ёшу карин ажратмасдан нафс сиртмогига илиб,
Олам ичра мастги гумдон килгай у асли арак.

Оилаю –кариндошлар орасин бузуб буткул
«Мен сенинг дустингман »дебалдагай шайтон арак.

Лек хали фурсат кулингда , Сура Хакдан маъфират,
У сенга тауфук берур-юз тутар сендин арак!

30 .08.2004 йил

**Кахрамоннинг онаси**

Юксалар хар дамда,елиб югурар,
Талпинар кукларга билмасдан тиним.
Шундай бахтли кунда гамин унутар
Мехрихон – у Рустамжоннинг онаси
Кахрамон у –Чемпионнинг онаси,
Мехрибондир Рустамжоннинг онаси.

Июльнинг ун учи-ёзнинг чилласи
Кучли чакмок чакди кум-кук осмонда,
Аллохнинг улуг бир иноятидан
Шахмат оламида янги кахрамон
Тугилди дунёни лол колдириб он.

Энди орзусига етти ногахон
Мехрихон у Рустамжоннинг онаси,
Мехрибон –у Кахрамоннинг онаси,
Кахрамон у Чемпионнинг онаси.

Унинг куз унгидан утар бирма-бир
Шоду гамга тула утган кунлари.
Кани  унутсайди уша дамларни-
Кийналиб,ёлгизлик эзган кунларни,
Мехрихон –у Рустамжоннинг онаси,
Кахрамон у Чемпионнинг онаси,
Мехрибон у Кахрамоннинг онаси.

Баъзан огир хаёллар чулгаб,
Интиларди узок юлдузлар сари,
Хар дам Рустам ёнида парвона булиб,
Яратгандан сурарди углига мадад.
Мехрибону Кахрамоннинг онаси,
Мехрихон – у Рустамжоннинг онаси.

Уйкусиз тунлари тиловатларда,
Тинимсиз кунлари ибодатларда,
Сурарди ёлгих у Яратганидан-
«Аллохим бер»-деб «углимга кудрат»
Мехрибон у Рустамжоннинг онаси,
Кахрамон у Чемпионнинг онаси,
Мехрихон у Кахрамоннинг онаси.

13.07.2004 йил

**Чемпионлик муборак булсин!**

Етмиш туккизинчи йилнинг охирларида,
Декабрь ойининг бешинчисида,
Тошкентнинг маркази –Укчи кучада,
Машрукжон-Мехрихон оиласида
Бир углон тугилди-худди пахлавон.
Танилиб ,дунёга булсин деб достон
Исмини куйдилар Рустами достон.

Рустамжон исмли Машрукжон угли
Усарди кундан-кун хамма катори.
Узига хос инжиклик ,шухлик бор эди,
Акиллик кузларда маъно бор эди.
Уч –турт ёшни у оралаганда
Акаси Хуршид билан уйнаш истарди
Хуршиднинг шахмат уйнашин куриб,
У хам бирга уйнашни жуда истарди.
Илк бор шахматни Рустам шунда курганди,

Илк бор шахматни  Рустам  ундан урганди.

Биринчи синфга кадам куйганда
Кулида математика китоби булган.
Дам олиш вактида китоблар олиб,
Эртаклар укишни яхши курарди.
Ёктирмасди ёшликдан бекор юришни,
Ектирарди урнига шахмат суришни,
Узига,сузига масъул булиб у,
Ваъдасига мувофик аник юришни.

Зехни жуда уткир булган Рустамжон,
Мактабида доим у аълочи булган,
Турли хил  масала,мисоллар ечиб,
Укитувчиларин у хайратга солган.

Лек шахматга булган ута кобилият
Мехригиё мисоли узига тортган.

Буни сезган устози Грушевский
Шахмат сирларин унга жиддий ургатган,
Шундан кейин Республика таниди уни:
Анча катта  ёшларни колдириб догда,
Хамма уни ёш деб,сезмаган чогда,
Ун бир ёшида у чемпион булди.
Шунда унинг кучига ишонмаганлар
Бош чайкаб,хайрону,тасодиф деди.

Эътибо бермасдан шундай гапларга
Устози Пинчукдан тажриба олди.
Шундан сунг Осиё таниди уни:
Осиёнинг маркази Катар шахрида
Ун олтига тулмаган ёшлар ичида
Осиёнинг чемпиони булди ушанда.

Шунда хам тасодиф деганлар булди,
Рустамжон-чи уларга бепарво булди,
Уз устида яна у ишлай бошлади.
Кетма-кет ютуклар кела бошлади6
Энди катталарни колдириб догда,
Эроннинг пойтахти Техрон шахрида,
Рустамжон исмли Узбек углони
Осиё чемпиони –ун туккиз ёшда!

Нихоят икки минг туртинчи йили
Июлнинг ун учи –ёзнинг чилласи
Дунёнинг гузал шахри-Триполида
Бутун дунёдан келган кучли шахматчи
Дона суришдилар уни ютмокка.

Бардош бериб кучли хужумларга хам
Рустамжон кетма-кет юта бошлади
Хотиржамлик,сабр ,матонат билан

Чемпионлик сари кадам куя бошлади.

Июлнинг ун учи –ёзнинг чилласи
Кучли чакмок чакди кум-кук осмонда,
Рустамжон исмли Машрукжон угли
Жахон чемпиони булди ушанда
Шахмат олами энди лол колди шу он
Узбек углони булди янги чемпион.
Чемпионлик унвони муборак булсин!
Чемпионлик нишони муборак булсин!

13 июл 2004 йил.

**Инсоф берсин**

Шайтоний хирсларга ногох берилиб,
Йигитлик гаштини сурмокчи булиб,
Оила,фарзандин унутиб эй вох,
Оталик мехрини кимга бермокда.
Аллохим инсоф бер ,инсоф бер унга,
Фарзандлари тирик етим булмокда!

Нега мехр-окибат уйдан кетмокда,
Нега топганлари зое булмокда,
Соглигин кетказиб,борини бериб,
«Ургимчак» домига тушиб кетмокда.
Аллохим ,инсоф бер ,инсоф бер унга ,
Фарзандлари тирик етим булмокда,
Аллохим ,инсоф бер ,инсоф бер унга ,
Тирикликда аёлини бева килмокда.

Кузларида мехр нури сунмокда,
Сузларида сехр кучи улмокда,
Болаларин бахтини ерга кумиб у
Фарзандларин тирик етим килмокда.
Аллохим ,инсоф бер,инсоф бер унга
Тирикликда аёлини бева килмокда.

Маза килиб кайфу-сафо килмокчи,
Узга аёлларга вафо килмокчи,
Хато килганига фахми етмасдан,
Уз жонига зимдан жафо килмокчи.
Аллохим,инсоф бер,инсоф бер унга,
Фарзандларин тирик етим килмокчи.

Кочиб ,кутулмагаай улимдан киши,
Балки ,айриликдир такдирнинг иши,
Шайтоннинг домига берилиб киши,
Нафсоний хирсларга кул булиш иши,
Аллохим,инсоф бер ,инсоф бер унга,
Фарзандлари тирик етим булмасин,
Айирма ,Аллохим,айирма уни,
Оиласин бахтини завол килмасин!

21.07.2005 йил.

**Сабр-токат лозим инсонга**

Гар инсонга етса хавф-хатар ,захмат,
Гар надомат етса ,алам азият,.
Шунда хам инсонга лозим каноат.
Имтихондур бошга етса мусибат.

Гар шодлик куп эмас –каноат лозим,
Надомат етса гар токат хам лозим,
Сабр килмок мумингa чексиз савобдур,
Сабр килмас экан у билгил харобдур.

Бошга бало ва казо етганда хам,
Захмат,машаккат ортиб кетганда хам,
Хар бирида сабр ила харакат лозим,
Мусулмонга сабр ила каноат лозим.

Сабр- каноат этмок  фарздур бизларга,
Нафсимизни кул килмок карздур бизларга,
«Сабр этсанг,бил, гурадин холва битур»,
Аждодлар насихати бордур бизларга.
Сабр килмок инсонга чексиз савобдур,
Сабр килмас экан у билгил харобдур!

31.12.2005 йил

## Хидоят сурайман

Аллохимдан хидоят ,таквони мен сурайман,
Кулогим,кулим,кузим-халоллигин сурайман,
Покиза умрнию,уртахолда вафотни,
Такво билан доимо омонликни сурайман,
Хаётимни мукаррам этмогини сурайман,
Хотиржам, гузал умр булмоклигин сурайман.

Яхши хулк,одобни мен Аллохимдан сурайман,
Фатонат ,диёнатни,гайратни мен сурайман,
Сурайман шижоатни,каноатни ,илмни,
Сурайман хакконият,сабр-токат ,хилмни.

Очкузликдан ,хорликдан саклашликни сурайман,
Дангасалик ,зорликдан асрашликни сурайман,
Хафаликка,гамликка солмасликни сурайман,
Факирликда ,куфрда колмасликни сурайман.

Шайтони –лаъйн домига солмасликни сурайман,
Ёвлар кулгусига мен колмасликни сурайман,
Уз нафсимга узим кул булмасликни сурайман,
Гунохларим Аллохим авф килмокни сурайман.

Аллохдан мен маъгфират этмокликни сурайман,
Иймонимда мустахкам кетмокликни сурайман,
«Хакдан бошка илх йук»-деб,ширкка кетмасдан,
Мумин булган холатда утмокликни сурайман.

19.03.2006 йил

## Ганимат бил

Беш нарсадан олдин сен беш нарсани ганимат бил:
Улимингдан олдин сен тириклигинг ганимат бил,
Бетобликдан олдин сен соглигингни ганимат бил,
Банд булишдан олдинрок буш вактинг ганимат бил ,
Кексаликдан олдин келган ёшлигингни ганимат бил,
Факирлик бошга тушмай,бойлигингни ганимат бил.

6.01.06 йил

## Турт тоифа инсон

Билсанг агар турт тоифа инсонлар бор:
Бири очкуз –узи еб ,бировга бермас.
Иккинчиси - утакетган зикна инсон бор:
Узи хам емайди,бировга хам бермас.

Учинчи тоифа-сахий инсон бор:
Узгаларга бермасдан - узи хам емас.
Туртинчиси -химматли  сахий инсон бор:
Узгага берур борин-узига  колмас.
Кани энди хаммамиз сахий булсагу,
Олийхиммат булишга доим интилсак.

2.07.2005 йил

**Онамни эслатар сузларинг**

Сингилжон,сени доим куриш истайман,
Хар курганда туйиб куриш истайман,
Онамни эслатар кузларинг сени,
Онамни эслатар сузларинг сени.

Онам каби солддадил тугри сузлигинг,
Фарзандларга жон фидо айлаб узлигинг,
Хаммага ишонувчан пок диллилигинг
Менга онамларни эслатар ,билгин

Онамларни эслатар сузларинг сени,
Онамларни эслатар кузларинг сени.

Онамни эслатар юришларинг хам ,
Онамни эслатар туришларинг хам,
Дилларга ёкимли табассум ила
Охиста суз бошлаб,сузлашларинг хам,
Онамларни эслатар сузларинг сени,
Онамларни эслатар кузларинг сени.

Хаммага мехрибон,сахийлик килиб,
Улуглар дуосин олишларинг хам,
Узгалар кунглини ололдимми ,деб
Андишага бориб,бузлашларинг хам
Онамларни эслатар сузларинг сени,
Онамларни эслатар юзларинг сени.

Онамдан синглимга куп нарса утган,
Оллохга беадад шукурлар булсин!
Онамдан синглимга куп нарса утган.
Фарзандлари бахтига сог-омон булсин!

Онамларни эслатар кулишлари хам ,
Онамларни эслатар юришлари хам,
Онамларни эслатар унинг сузлари,
Онамларни эслатар унинг кузлари.

18.12.2005 йил

Ишонч йуколса,Орзу колади.
Орзу йуколса,Умид колади.
Умид йуколса,Илинж колади.
Илинж йуколса,..Хеч нима колмайди.

У.Хошимов, «Дафтар хошиясидаги битиклар», Тошкент,2005 йил.

**Суранг**

Хаёт бир синовдир хар бир инсонга,
Гохо йукотаркан ,гохо топаркан,
Укинманг «хеч нима колмади» дея
Сиз билан ягона Аллох коларкан.

Йуколган Ишончни ,Орзу-Умидни,
Йуколган Давлатни,йуколган Бахтни,
Йуколган Илинжни Аллохдан суранг,
Аллох Бергувчидир,Аллох Мехрибон.

Ундан Сиз хидоят бермокни суранг,
Иймонда мустахкам булмокни суранг,
Барча гунохларни авф этмок тилаб,
Ундан Сиз маъфират этмокни суранг!

Йуколган Орзуни ,Йуколган Бахтни,
Йуколган Ишончни топгайсиз шунда,
Давлат хам топилгай,Умид хам келгай,
Илинж эса узи топгайдир Сизни.

24.02.2006 йил.

**Муножот**

Худодан,умр бер ,деб сураганларни курдим.
Худодан, бахт бер,деб сураганларни курдим.
Худодан,фарзанд бер ,деб сураганларни курдим.
Худодан ,давлат бер,деб сураганларни курдим.
Худодан ,омад бер,деб сураганларни курдим.

Факат… Худодан,эй яратган Эгам,мен-нодонга бир чимдим акл бер,деб сураган бандасини курганим йук .

У.Хошимов , «Дафтар хошиясидаги битиклар» ,Тошкент, 2005 йил.
.

**Тамагир булма!**

Умр бер,деб , тахт бер,деб тилайсан, инсон,
Фарзанд бер,деб ,бахт бер ,деб тилайсан ,инсон,
Давлат ила омад бер,деб тинмай сурайсан ,
Тама ила Аллохдан сен бер, деб сурайсан,
Аклинг булса, сен аввало ,хидоят сура,
Иймонда мустахкам булишни сура.
Факат ,Аллох буюрган амалларни сен
Бажармок ёдингдан чикмасдин сура!

Ёшлик утиб,кучинг кетиб,булса хамки кеч,
Кариб ,ибодатга кучинг етмас хамки хеч,
Авф сура ,гунохларинг кечмокни сура,
Тирикликда хидоятга бошлашин сура.
Аллох гунохларингни авф этувчи Зот,
Аллох мехрибондур,кечиргувчи Зот.

14.02.2006 йил.

**Тонг отару-кун ботар**

Тонг отару –кун ботар,кунлар утаркан,
Ойлар утар йиллар утар, умр утаркан ,
Ким тугулиб,ким утар –инсон утаркан,
Келиб –кетиш маъносин ким англар экан.

Укиб,уксанг кувватдир мукаддас Куръон,
Хадис илми ,билсанг гар ,хикматларга кон,
Шу илмлар эгалласа, Олимдир инсон,
Толибларга илм нурин таркатса ишон,
Хак фарзларин бажармоклик унга бир имкон
Шунда чексиз савобларга у дохил ,инон

Гар Аллохга ёр булса мумин –мусулмон,
Иймони комил булса мумин мусулмон,
Ани Аллох махшарда хуррам этаркан,
Киёматда У муминга махрам этаркан.

Кимнинг калби Аллохга мойил буларкан,
Куръон-хадис илмига комил буларкан,
Намозин канда килмай койим буларкан,
Аллох уни жаннатда жойин киларкан!.

11.02.2006 йил.

**ЛАЙЛАК**

( У.Хошимовнинг «Дафтар хошиясидаги битиклар» китобидаги «ЛАЙЛАК» хикоясидан илхомланиб ёзилди )

Хамма ёк ям-яшил,кишлоклар куркам,
Булбуллар сайрайди,гузалдир улкам,
Кунларнинг бирида-Бахор чогида,
Кариндош-уругин курмак догида
Эрта сахар туриб онаю-бола,
Кушни кишлокка йул олишибди.

Она хали ёш эди,навжувон эди,
Угли эса бола-да,хали гур эди…

Она каддин гоз тутиб ,тез-тез юрарди,
Гохо углин ерга куйиб,бир оз турарди.
Угли эса манзаралар томошо килиб,
Атрофларга аланг –жаланг, зурга юрарди.

Уша кишлок марказида-гузар олдида,
Атрофи соя-салкин ховуз ёнида,
Ярми курук,ярми яшил шохлари билан
Тарвакайлаб бахайбат чинор турарди.

Шу чинорнинг ям-яшил усган шохида
Куш уяси супрадек якка турарди.
Бу корамтир тусдаги уя устида
Бир оёкда оппок куш сокин турарди.

Ёш болага бу кизик муъжиза булиб,
Курган жойда тухтаб , савол айлабди:
Анави нима,ойижон,дарахт устида?
Оёклари ингичка,тумшуги узун
-Лайлак,углим,у лайлак.Тезрок юракол
Дея она углига жавоб айлабди.

Бола ёш-да, кизикувчан, онадан яна
-Нега ,ойи,лайлакнинг оёги битта,
Тумшуги эса узун,дея сурабди.
-Бир оёги чарчаган,дамга у мухтож,
Юракол сен тезрок килгил бир илож-
Дея шошиб она давом этибди.

Кузларида кувонч,хаяжон билан
Угил яна кизикиб,савол сурмокда:
-Нима узи у ,ойи?Нимага ундай?
Нега бу куш энди огзин очмокда?
-Бу лайлак дедимку,жиннивой ,болам
Корним оч- дея у салом бермокда.

Шунда она ёш эди, навжувон эди,

Угли эса бола-да, хали гур эди…

Орадан йиллар утди,Она кексайиб,
Кузлари хиралашди нурлари кетиб,
Соглиги хам кетди,кулоги гаранг
Бировларнинг сузларин эшитар аранг.
Кузлари хиралашди нурлари кетиб,
Оёклардан куч кетди –юрушин каранг.

Бахор кунларида онаю –бола
Яна уша кишлокка бориб колдилар,
Йигит каддин гоз тутиб ,тез –тез юрарди,
Она шурлик хансираб,зурга турарди.

Гузардаги бахайбат уша бир чинор
Шохлари хам кум-кук , хамон турарди.
Карангки уша шохда кушнинг уяси
Узокдан корайиб,хамон турарди.
Корамтир куринган уя устида
Оёклари ингичка,тумшуги узун
Бир оёкда оппок бир лайлак турарди.

Йигит хали ёш эди ,навкирон эди,
Килар иши куп эди ,хуп шошар эди,
Энди у лайлакка киё бокмас эди.
Онасининг гаплари хеч ёкмас эди.

Онасими? Онаси ёшин яшади,
Фарзандларим булсин деб,ошин ошади,
Соглиги хам йук энди,кулоги гаранг,
Оёкларда мадор йук- туришин каранг.

Шу пайт хиралашган Она кузлари
Кишлок гузарининг марказидаги
Ярми яшил ,бахайбат уша чинорнинг
Шохларидаги кора уяга тушди .

Шу дам Она углини саволга тутди:
Анави шохдаги корайиб турган
Галати бир нарса нимадир ,углим?
Буми? Лайлак,ойи,курмаяпсизми?-
Дея жеркиб угли унга жавоб берди.

Кари-да,кулоги кар булгани учун
Она шурлик жавобни эшитмас бутун.
-Нима углим,у нима окариб турган?
Дея Она кизикиб такрор суради.
Угли такка тухтади, гаши хам келди,
Онасин саволлари малол хам келди.
-Окариб турган лайлак,дедим-ку Сизга,
Нега яна мендан такрор сурайсиз?!
Вактим олиб, мендан бекор сурайсиз!-
Дея угил Онага дашном берибди,

«Кармисиз, ая?»-дея жеркиб берибди.

Ахир хали у ёш-да,зарур иши бор,
Шошмок керак, шахарда мингта иши бор.
Одам кариганда эзма буларкан,
Керак булмас нарсани сурайвераркан.

Йигит шунда хали ёш ,навкирон эди,
Хаёт лаззатин хали тотмаган эди.
Унинг гудак угиллари хали гур эди…. ,
Шахардаги юмушлари хали куп эди… .

Лайлак эса уз инида парво килмайин
Бир оёгин кутариб ,сокин турарди.

Эй ,фарзанд,хаётингда хор булмай десанг,
Фарзандлар хизматига зор булмай десанг,
Гар «Онамнинг дуосин мен олай» десанг,
Онангнинг хизматига сен тайёр булгин,
«Оналар оёк ости жаннат»деб билиб,
Оёклари остига сен тупрок булгин!

19.03.2006 йил.

**О ,сердце!**

О, сердце, богом дано биение твоё!
Его велением - каждое дыхание твоё !
Ещё в утробе матери родной
Милосердием Бога быть вместе нам дано!

Бурная ,непокорная молодость наша,
Не придавая значения,внимания к тебе,
Тебя не щадит и не бережёт она
Что хорошо,и плохо что –неведает она,

Жизнь безконца летает в небесах,
Не ведома ей жалость .не ведом ей страх,
И ,как волна,взмывая в небеса
Тебя как пружину разжимает она.

Когда наша любая неудача,печаль
Ставит на тебе свою печать- как жаль,
Даже тогда ты тикая ,как часы,
О, сердце, нам преданно служиш ты.

Жизнь протекает-нервы на пределе!
Сердце устаёт ,работая на деле,

Какие испытания ещё ждут впереди.
Оно болит –нет отдыха в пути
Он обеспокоен-когда же передохнуться.
И знает только  Бог ,когда ему остановиться,
И только Он знает когда нам разлучиться!

9.02.2006 год.

**Шох Жамшид хакида ривоят**

Бир ривоят буйича Шох Жамшид,
Ов сафари чогида йулда кетаётиб,
Йул буйида жаннатсимон бог курибди,
Мевалар гарк пишганин шу чог курибди.

Шох Жамшид чанкогин бахона килиб,
Богбон-чолдан бир пиёла сув сурабди,
Богбон тезда бир анорни сиккан экан
Бир пиёла анор шарбатига тулибди.
Пиёлани богбон дарров шохга берибди,
Шох Жамшид бир симириб ушбу шарбатни
Чанкогин бостирмай шундайин дебди:
-Бу катта бог кимнинг боги ? Эгаси ким?
Шунча мева шарбатларнинг хожаси ким?
-Бу катта бог эгаси мен ,хожаси мен,
Хосилидан эл бахраманд ,савобда мен-
Дея Шохга жавобан богбон сузлабди.
-Бу катта бог меваси куп,шарбати куп,
Хар йилида улар берар фойдаси куп,
Билиб олинг - подшохлик хазинаси
Шу фойдадан тулиб турсин хар йили хуп,
Мен шаханшох Жамшиддурман фармоним шу:
-Дея Жамшид йулда мамнун давом этибди.
Чол-богбон ушбу холдан лол колибди,
Тикилганча маъюс холда уйга толибди.
Овдан кайтар чогда Жамшид йулда яна
Богга кириб бир пиёла шарбат сурабди.
Богбон энди унта анор сиккинда хам
Бир култумча шарбат ундан зурга чикибди.
Шох Жамшид бу холатга хайрон булибди,
Сабабин богбон –чолдан шу дам сурабди.
-Адл билан эл фаровон ,юрт обод,
Зулм билан халк бесару-эл хароб.
Хукмдорнингзулми зохирбулса гар
Шул анорнинг мевасида не сабаб-
Дея богбон бир хурсиниб жавоб берибди.

Шох Жамшид килмишидан пушаймонла,
Уз фармонин бекор айлаб адолатла,
Богбон чолни бу соликдан озод этибди,
Катта богни мамнун булиб тарк этибди.
Яна богнинг мевалари харён булиб,
Хосилининг шарбатлари дарё булибди.

4.10.05 йил.

**Кизим Нигорахонга**

(шоир Ахадхонтура Гаффоровнинг кизлари Нигорахонга  ва умр йулдошларига атаб ёзган шеърларидан илхомланиб ёзилди)

Эрка кизим Нигорахон куриш истайман,
Хар курганда унга туйиш истайман,
Онасини эслатар кунгир кузлари,
Онасини эслатар ширин сузлари.

Юрагида ут чакнар, калбида гайрат,
Неки ишга кул урса –покиза ният,
Онасини эслатар гоз юришлари,
Онасини эслатар соз юмушлари.

Зулмат чулгаганда атрофни бир он,
Кунгил гаш булганда ,сикканда юрак,
Мехрибон онасига согинч истасам,
Кизимни ахтариб ,буламан сарак.
Онасин эслатар сергак кузлари ,
Онасин эслатар юмшок куллари.

Онасин эслатар юришлари хам,
Онасин эслатар туришлари хам,
Дилларга ёкимли табассум ила
Охиста суз бошлаб,сузлашлари хам.

Кизимга онасидан куп нарса утган,
Аллохимга беадад шукурлар булсин,
Кизимга онасидан куп нарса утган,
Фарзандлари бахтига сог-омон булсин!
Факат Аллохимдан дуо сурайман,
Онасин киска умри унга утмасин.

7.01.06 йил.

**Кули кайтмасин**

Уйингизга мусулмон гадой келса гар,
Корни оч булсаю мухтож булса гар,
Корнини туйгазинг,дуосин олинг,
Бирор нарса беринг-кули кайтмасин.

Хеч нарса ололмай ,бекор кайтса гар,
Оллохнинг жаханнам жазоси бордур,
Бошкаларга нисбатан фаркли уларок,
Минг йилдан зиёда азоби бордур.

Хазрати Коъбул Ахбор(розияллоху таоло анху) ривоятидур:
Бир куни Биби Фотима бетоб булибдур.
Хазрати Али (Каррамаллоху важхах,К.В.) ундан секин сурабдур:
Ё,Фотима ,кунглингиз нима истабдур?
Кунглим бир анорни истамакдадур -дея Биби Фотима бошин эгибдур.
Андин сунгра Хазрати Али (К.В.) уйга толибдур:
Бисотида хеч нарса булмаган сабаб
Кимдандир бир танга карз хам олибдур
Анга бозордан у анор олибдур.

Уйига кайтаётиб Хазрати Али (К.В.)
Бир мусофир гадо йулда курибдур.
Дархол унинг холин Али (К.В.) сурабдур:
Эй мусофир,кунглинг нима истабдур?
Кунглим мени бир дона анор истабдур-
Дея уша мусофир жавоб айлабдур.

Шу дам Али(К.В.) кунглидан хаёл утибдур:
« Мен анорни хозир бунга берсам гар
Фотима анордан махрум булибдур.»
Лек Аллохнинг Расули Набий Мухаммад (С.А.В.)
Хадисларин шунда эсга олибдур:
«Яримта анор билан булса хам ,сизлар
Гадони хеч курук кайтармангизлар».
Ушбу хадис уни кийнай бошлабдур
Ва беморга анорин шу дам берибдур.

Хазрати Али (К.В.) уйга маъюс кайтибдур,
Фотимаи Захро холин курибдур,
Аллохнин улуг бир мархамати-ла
Шифо топган Фотима таъзим этибдур:
-Менга атаб олган анорингизни
Бемор мусофирга берганингиз чун
Харгиз маъюс булманг,ё шери Худо,
Аллох менга шифо берибдур,
Анорга мухаббатим мендан кетибдур.

Бу сузларни тинглаб Хазрати Али(К.В.)
Хурсанд булиб турган холда бир махал
Кулида ёпиглик идиш кутарган
Эшик ортига бир мехмон келибдур,

Пайгамбарнинг (С.А.В.) суюкли сахобалари
Салмон Форсий (Р.А.) турарди эшик олдида.
Хазрат Али (К.В.) саломлашгач,ундан сурабдур:
-Бу косани бизга ким юборибдур?
-Бу косани Аллох уз Расулига (С.А.В.),
Аллонинг Расули Сизга юборибдур –
Дея жавоб айлабдур Салмони Форсий.

Андин сунгра Хазрати Али (К.В.) косани олиб,
Очиб анда туккиз дона анор курибдур.
Хазрати Али (К.В.) хайрон булиб ундан сурабдур:
-Аллох бергани ун дона булиши керак,
Бир донаси йук-ку,у кайда колур?
-Ё Али,анор сони ун дона эрур,
Мен Сизни синамок истаги бирлан
Бир донасин Сиздан беркитур эрдим.
Лек анорнинг ун дона эканлигинин
Сиз кандайин англаб билаолдингиз?
-Бугун олган бир дона аноримни
Бир бемор гадога садака этгандим.
Аллох менга анор юборган булса,
Албатта у ун дона булмоги керак,
Менинг бир нарсага имоним комил:
«Бир хисса садака килганлар учун
Ун хисса бермоклик ваъдалари бор»-
Аллохим ваъдалари амалга ошур!-
Дея Хазрати Али(К.В.) жавоб айлабдур.

8.03.2005 йил.

**Асалари хакида**

Бахор келган юртимга,навбахор келган,
Богу-роглар бурканган яна гулларга,
Атроф тула гул шунда,чечаклар хам туп,
Асалари тинмай учиб,бол танларкан куп.
У билан мен фикран богларни кездим,
Кизик бир холатни,чогларни сездим.
.
Богларни ва тогларни кун буйи кезиб,
Асалари бол йигиб,уйга кайтаркан.
Асал йигиб, инига куниши билан,
Дарвоза сокчилари уни кутаркан,

Ушбу болни асалари кайси ёклардан,
Чаман булиб очилган кайси боглардан ,
Дала-дашту ,яйловдан ,кайси тоглардан,
Келтирган ,деб сокчилар текширар экан.

Ушбу асал покиза боглардан булса,
Хавоси хам соф ,тоза тоглардан булса,
Унга уйга киришга фурсат буларкан.
Йиккан болни бермакка рухсат буларкан.

Аллох асрасин,агар ушбу болини
Найзасин кимгадир санчиб, келтирса,
Ёки болни нопок гул-гиёхлардан
Асалари машаккатла келтирган булса,
Асалари онаси бундай бол учун
Жазосин бериб, уни уйдан хайдаркан.

Кани энди одамлар шу ари каби
Харомни халолдан тез ажрата олса,
Дуч келган нарсаларни емок-ичмокдан
Нафсларин доим улар тийиб юролса.
Жигилдон сокчисига кулогин солиб,
Иймонда мустахкам булиб юролса.

15 март 2006 йил.

**Хушуъ**

Хушуъ-бу буйсунмок,итоат килмок,
Аллохнинг хузурида бош эгиб турмок,
Намозда викор ила тавозеъ билан
Хотиржам ва сокин ибодат килмок.
Аллохни initially кургандек,ундан куркkandek
Хисси билан инсон ибодат килмок.

Инсон калби хушуъга макон буларкан,
Аъзолари хушуъга мева буларкан,
Аллохга ибодатда ширк келтирмайин,
Иймонда у мустахкам шунда буларкан.

Инсон калби танада мисоли подшох
Аъзолари хизматида буларкан огох.
Кимнинг калби тулик хушуъда булса,
Аллохда узига топаркан панох.

Хушуъсиз ибодат улик жон каби,
Удир жонсиз ,ясама,сунъий буларкан,
Аллохни сен кургандек ибодат айла,
Сен Уни курмасанг-да ,У курар экан.
Ибодатда хушуъни Аллохдан сура,
Астойдил сурасанг -У берар экан.

19.03.2006 йил

**Жаннат насиб этсин десанг**

Жаннат насиб этсин десанг
Харом бирлан халолни бил,
Ёмон нима, яхши нима?
Алар фаркин аник сен бил.

Аллох ризо булсин десанг,
Жаннат насиб этсин десанг,
Куръон тиловатин билиб,
Зикр айлаб ,ибодат кил.
Пайгамбарнинг хадисларин
Суннат дебон ,саодат бил.

Аллох ризо булсин десанг,
Жаннат насиб этсин десанг,
Сен тунлари бедор булиб ,
Дуо укиб,илтижо кил,

Аллох ризо булсин десанг
Жаннат насиб этсин десанг,
Покла танни ,хам калбингни,
Гийбат килмок  гунох деб бил,

Аллох ризо булсин десанг
Канда килмай ,текис тарзда
Хушуъ билан намозларинг,
Буюргандек  адо сен  кил .

Аллох ризо булсин десанг
Ота-онанг хурматин кил,
Алар сабаб дунёда сен ,
Тирикликда хизматин кил.

Аллох ризо булсин десанг
Гуримда тинч ётай десанг
Узга хаккин харом деб сен,
Ёлгон сузга ёр булма сен,

Уят ,хаё,андишани,
Ору-номус ,виждонни сен,
Бир умрга йулдош деб бил
Жаннат насиб булсин десанг.

Аллох ризо булсин десанг
Илм олмоклик захматин бил,
Азизларинг кунглин олиб,
Устозларинг хурматин кил.

«Жаннатда мен булай» - десанг,
Хар кадамда,хар нафасда
Аллохни ёд этай десанг,

«Набий Расул  Мухаммаднинг
Ёнида  мен турай» - десанг
Ибодатинг канда килмай,
Иймонни сен мустахкам кил.

6.04.2006 йил

Яхшиликни мехрибон инсонлардан кутинглар
Улардан хамдардлик,мархаматлар кутинглар,
Барча ёмонликларни атрофига сочувчи
Тошбагр,каттиккул инсонлардан кутинглар.

--

Аллох таоло яхшиликни яратганда
Яхшилик ахлини бирга яратган,
Уларга курсатиб яхшилик ишин
Яхши амалларни бирга яратган.

--

Яхши хулк –одоб билан
Элга манзур этар булсанг,
Шарафлидур унга хизмат,
Сидкидилдан килар булсанг.

--

Ахлоксизлик килиш билан
Эл кахрига дучор булсанг,
Шунда шаксиз лаънат сенга ,
Шунда бахтсиз инсондурсан.

--

Бой углини каноти бор,
Вайроналар излар у,
Булбулнинг хам каноти бор,
Гулшан-боглар излар у.

5.01.06 йил.

# Хикоялар, хажвиялар, ривоятлар, табриклар:

**«Имон» дориси**

Кадим  заионда бир табиб барча касалликларга даво топганлиги хакида донг таратган экан.Шу юртнинг щох хазратлари табибни уз хузурига чакириб,уни синаш максадида савол берибди:
Эй табиб, мен бехад гунохкорлик хасталигига мубтало булганман.Шу хасталикдан шифо топиб кетадиган дори тайёрлаб бера оласанми?  .
Шунда табиб бир оз уйланиб,сунгра жавоб берибди:
Ха,албатта ,Олий хазрат,бу дардга даво бор. Тавбанинг илдизини ва истигфорнинг япрогини куръон ва хадис магзи билант аралаштириб,калб хавончасида тавхид тукмоги билан туйиб,майдаланади. Имон элагидан утказиб,сунгра куз ёш билан аралаштирилиб,ишк тандирида,калб кури билан пиширасиз ва тайёр булган махсулни хар куни беш  вакт намоздан сунг Аллохдан шифо сураб, тановвул киласиз,шунда дардингиздан асар хам колмайди. Факат,бу дорини бир тановвул килдингизми,уни тухтата курманг,акс холда окибати яхши булмас.

Табибни сузларини окка кучирувчи Хамиджон Тохиржонов 1997 йил,август.

**Мусичага хавас**

Кенг ховлимизда мусича охиста кадам ташлаб, уз насибасини ердан териб ер эди. Сокивой унга термулганча, бир хурсиниб куйдида, уйга толди:
-Эх, мусича, сенга жуда маззада. Менга ухшаб мактабга хар куни эрта туриб, бормайсан, дарс тайёрламайсан, уйга вазифаларинг хам йук, математикадан масалалар ечиб бошингни хам котирмайсан, ерга тукилган майда - чуйда ушокларни териб, еб юрасан. Канотларинг бор, хохласанг учиб-учиб, айланиб, курмаган ерларни куриб келасан. Ота-онангдан сурамасанг хам булади. Уйдагиларнинг «Нонга бориб кел, идиш-товокларни ювиб куй, дарс хонангни тозалаб чик, куйларга овкат бердингми? Товукларингга дон бердингми?» – каби саволлар билан сенинг бошингни огритишмайди.
Кани энди, мен хам сенга ухшаб, мусича булиб, канотларим пайдо булиб колсаю, узок-узокларга учиб айланиб келсам, бошимдаги ташвишлардан кутулар эдим-да – деб, хаёл суриб утирган эди.
Шу дамда каердандир катта кора мушук пайдо булди-ю, бир хамла билан мусичага ташланиб, уни тишлаганча болахона зинасидан чакконлик билан томга олиб, чикиб кетди.
Сокивой шу вакт нима булганини ва кандай ёрдам бериши кераклигини англаб олишга хам улгурмади. Лекин, бирнарса аник эди. Мусича булиб колишдан кура, булмагани яхши. Мусича булиш хам хавфли ва огир экан.
.

25.04.2004 йил

## ЯНА МЕХМОН,

Сиз мехмон кутишни яхши курасизми? Мен хам яхши кураман. Лекин хар куни мехмон кутаверсангиз, жонингизга хам тегар экан. " Табиб-табиб эмас, бошидан утган табиб" деганларидек , мана бу вокеани эшитинг.
Охирги пайтларда оиламиз жуда куп мехмон кутадиган булиб колди. Эр-хотин
мехмон кутишдан чарчадик. Хафтада бир марта мехмон келса майлия, уйдан хар куни мехмон аримаса, кийин булар экан. Илмий ишларимни бир ёкка суриб куйиб, кишлогимиздан келадиган мехмонларни кутиш билан оворамиз.Охири бошимиз котиб колди .Нима килишни билмай, сабабини топгандай булдик.
. Асосий сабаб кунда ичаётган грузин чойи экан. Шу чойдан чой дамлашимиз билан уйга мехмонлар келишини сезиб колдик.Хаттоки ,фарзандларимиз хам буни сезиб колишибди.
Якинда катта углим пиёлага чой куйилиши билан пиёладаги чойда сузиб юрган шамаларга ишора килиб:
-Дада,дадажон,яна мехмон келаяпти.Битта эмас,уч-туртта – бирини буйи баланд, колганлари пастрок,худди ота –болалардек,-дейиши билан онаси хам унга кушилиб, буш келмади :
-Дадаси, мехмонлар ётиб коладиганга ухшайди,каранг шамалар чалканчасига сузиб юрибди -деди уз пиёласидаги сузиб юрган шамаларга ишора килди.
Дархакикат,шу пайт эшик кунгироги жиринглаб,кишлогимиздан акам бола –чакалари билан кириб келишди. Бир хафта ичида жиянлар уйни кутариб, кулга беришди. Хеч нима
дея олмайсан киши. Жиянлар хафа булса, келнойимлар, акамлар хафа булишади. Мехмонлар кетгач, онасини чакирдим.
- Энди, онаси, топганимиз мехмон кутишга кетаяпти. Пул кетса кетсин, киммат булса хам бозордан хинд чойи сотиб олиб, ичайлик, нима дейсан-деб сурасам, у хам дарров хурсанд булиб, рози булди. Хинд чойи ичишни бошлашимиз билан мехмонлар келиши анча тухтади.
Шу-шу булдию,чой ичгимиз келса « Мехмон келмайдиган чойдан яхшилаб дамланглар, Мазза килиб ичайлик» –деб бир-биримизга мийигида кулиб куядиган булганмиз.
Лекин олий укув юртларига кириш имтихонлари бошланиши олдидан яна мехмонлар кела бошлайди. Бу ёгига энди хинд чойи хам ёрдам бермаслиги мумкин.
Энди битта йул бор-дала ховлимизга ёзги таътил тугашигача чикиб кетиш керак!
Шу пайт эшик кунгироги яна жиринглаб колди. Биз кечиккан эдик.
Яна уйга мехмон келган эди.

31.07.1985 йил

## Туйга келасиз

Бахилиддин кизини турмушга берадиган булиб, туй кунларини хам белгилаб олган. Хотини Соттихон билан бирга туйга тайёргарлик катта:
Хали келинга мебел-гарнитур, келин сарполар, куёв болага бош оёк сарполар, кудаларига кийим-кечак, уй ремонти. Хуллас, сарф харажатлар купайиб кетган-«дупписи тор» келган пайт. Хаттоки уйидаги «Коплон» исмли катта итининг овкати микдорини хам анча киркиб куйишга мажбур булган пайт.

Шу аснода уйига газ идорасининг инспектори дарвоза кунгирогини чалиб, чакириб колди.
Соттихон зудлик билан дераза пардасини хиёл кутариб, кучага муралади. Келган инспекторни у дарров таниди: урта буйли, кунгиз муйловли, корин куйган, бошида эски шляпаси, кулида эса кутариб юраверганидан ёг босиб кетган коп-кора чарм папкасини култигига кистирганча инспектор турарди.
- Дадаси, бу газ инспектори. Кеча хам келганди. Сизнинг йуклигингизни бахона килиб, жавоб бериб юборган эдим. Яна келибди. Хойнахой газ учун ярим йиллик пулини тулаш керак, деб келган. Нима киламиз энди? Пулимиз йукку бунга хозир. Узингиз гаплашиб, жавоб бераколинг.
Шунда Бахилиддин хаёлига бир фикр келди - ховлидаги занжирга боглаб куйилган Коплонни ечиб, занжири билан куйиб юборди. Ит хам билгандай занжирини жаранглатиб дарбоза томонга вовуллаганча югура кетди. Дарвоза эшигидан муралаб турган инспектор, югуриб келаётган итнинг ташланишидан куркиб:
- Пошёл вон, пошел вон деяпман сенга – деб дарвоза эшигини зудлик билан беркитиб олди.
Дарвоза ортида эса ит хамон вовуллашдан тухтамасди.
Бахлиддин эшикни киягина очиб, саломлашгач:
- Ха, ака, тинчликми? Биринчидан, бу уйда узбеклар яшайди, Иккинчидан, бизнинг Коплон русчага тушунмайди. Нега унга «пошёл вон» дейсиз? Нима учун Сиз уни хайдаяпсиз? Ахир у Сизни хайдаши керакку!
- Мен. Мен газ идорасиданман. Инспекторман. Мана менинг хужжатим.
- Тухтанг, тухтанг. У ёгини айтмай куяколинг. Хойнахой, хозир газ хакини тулашингиз керак, деб айтсангиз керак.
-Худди шундай, ахир ярим йилдан бери пулини туламай газни ишлатаяпсизлар.
-Биламан, биламан. Туламаймиз, демадимку Сизга. Факат, илтимос, «пул» сузини айтманг.
Итимизнинг шу кунларда шу сузга авзойи бузилган. Пулдан гап очсангиз Сизга ташланиши мумкин. Охирги вактда пул сузини айтсам менга хам ташланадиган булиб колган. Айникса пулнинг микдорини айта курманг. Кураяпсизми, Коплон ириллай бошлади-деб дарвоза эшигига кисиб турган коплонга ишора килди.
- Майли, майли Сиз айтганча булаколсин. Лекин, качон келсам булади?
- Очиги, аник айтолмайман. Чунки узбекларда бир гап борку «киз узатганга кирк йил тегма» дейилган. Янаги шанба куни хам туй, хам никох - кизимизни узатаяпмиз. Туйга бирга буласиз. Буёги узингизга хавола, хисобни яхши биласизку, ахир. Саломат булсинлар!
9.04.2001 йил

**Мехр колур, яхшилик колур**

Мен хикоя килмокчи булган вокеага анча йил булиб, ёдимдан хам чикиб кетган эди. Лекин якинда Махмуджон исмли акамларнинг вафотларидан кейин бу вокеа такрор ва такрор хаёлимдан утаяпти. Шунинг учун шу вокеани кискача килиб сузлаб бермокчи булиб, кулимга калам олишга жазм килдим.
Мен асли Тошкент шахрининг кадимги махаллаларидан бирида узига тук булган оилада таваллуд топганман. Отамиз Абдугофирака (Аллох рахмат этган булсин) шу махалланинг баобру кишиларидан булганлар ва махалланинг барча туйю маъракалари уларнинг иштирокларида ва маслахатлари билан утар эди.
Айтишларича, мен оиланинг биринчи ва эрка угли булганим учун тугилганимда отамиз жуда катта шодиёна билан махаллага ош берган эканлар.
Уша кунлар кушнимиз Мирзаканинг оиласида хам катта

хурсандчилик булган экан-уларнинг оиласида хам угил тугилан ва исмини Махмуджон деб куйишган экан. Лекин, бахтга карши
Махмуджоннинг онаси - Бахри-ая бирнеча кундан кейин огир бетобликдан бандаликни бажо келтиради ва бир ойлик чакалок етим колади.
Мирзаканинг оиласига огир кунлар бошланади. Онадан эрта ажраб колган чакалок эса хеч нима емас,йигидан хеч тухтамас эди. Бизлар якин кушни булганимиз учун ва бу огир ахволдан оиламизнинг хабари булгани учун Отамиз билан Зарифа онамиз (Аллох рахмат этсин) маслахатлашиб, етим колган Махмуджонни уз угиллари билан кушиб, эмизиб куришга Мирза акадан рухсат сурашиш максадида Мирза аканинг уйларига чикишибдилар.
Аввалига Мирзаака «йуге, Абдугофирака, келинойимларни огир холатга куйиб нима киласиз. Абдумалик углингиз шундогам йиглайвериб, янгамни жуда кийнаб юбораяпти. Агар яна устига – устак Махмуджон булса, жуда кийналиб коладилар» - деб, рози булмабдилар. Лекин шу куни кечкурун Махмуджон йиглайвериб, шишиб кетибди. Хеч ким, хеч нима килиб, овута олмабди. Шунда вакт анча кеч булишига хам карамай, Мирза ака чакалокни бизникига олиб чикибдиларда, онамизга тутказиб куйиб:
- Келинойи, илтимос, нима килсангиз хам чакалокни тинчлантириб беринг. Хаммамизни кийнаб юборди. Хеч кимга кунмаяпти – дебдилар.
Онамиз рахматлик хам кукракларини тутган эканлар, чакалок худди узини онасини эмгандек эма бошлабди. Бироздан кейин корни туйган чакалок хам ухлаб колибди. Шу кундан эътиборан Махмуджонга менинг онам оналик кила бошлабдилар-мени корним очганда, мен билан бирга Махмуджонни хам эмизар эканлар. Шу тарика бизлар бир онани эмиб, тугишган ака-укадек бирга катта булдик. Мендан Махмуджон бир неча кунлик катта булгани учун мен уларни «Махмуджон – ака» - деб катта булдим.
Кейинрок эса биз яшаётган уй ёнидан катта йул тушадиган булиб, Мирза аканинг ховлилари бузиладиган булди ва улар Тошкентнинг бошка кисмидан ер олишиб, уй куришди. Сунгра улар кучиб кетишди. Лекин, уларнинг оиласи бизнинг оиламиз билан худди кариндошлардек булиб кетишганлиги сабабли туй-хашамларда, хайит кунлари купгина совга – саломлар билан албатта табриклаб келишар эди. Хар гал Махмуджонакамлар уйимиздан кетаётиб:
